*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

*«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР*

46-йил чиқиши
№ 152 (12 806).
2 ИЮЛЬ 1964 йил
ПАЙШАНБА
*Баҳоси 2 тийин.*

## ҚАРДОШ ГАНА ХАЛҚИГА ЯНГИ ЮТУҚЛАР ТИЛАЙМИЗ

### Н. С. ХРУШЧЕВ БИЛАН Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ КВАМЕ НКРУМАГА ТАБРИКНОМАСИ

**СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Гана Республикасининг президенти Кваме Нкрумани, дўст республиканинг ҳукумати ва халқини совет халқи, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номларидан миллий байрам — Республика куни ва Қуролли кучлар куни билан табрикладилар.**

**Табрикномада таъкидлаб айтиладики, совет кишилари социалистик тараққиёт йўлидан боришга аҳд-паймон қилган Гана Республикасининг ютуқлари билан астойдил хурсанд бўлмоқдалар. Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи билан Гана Республикаси ўртасида ўрнатилган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари йил сайин тобора кўпроқ кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қиладилар. «Шунга чуқур аминмизки, — дейилади табрикномада, — бу муносабатлар совет ва гана халқларининг манфаатлари, яъни тинчлик йўлида бундан буён ҳам ривожлана беради». (ТАСС).**

# СОВЕТ—НОРВЕГИЯ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНСИН

## *Н. С. ХРУШЧЕВ НОРВЕГИЯДА*

ОСЛО, 30 июнь. (**ТАСС махсус мухбирлари**). Бу ерда расмий визит билан меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун «Гранд отель» меҳмонхонасининг банкет залида Норвегия ҳукумати шарафига зиёфат берди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида Н. С. Хрушчев ва Э. Герхардсен нутқ сўзладилар.

Сизларни меҳмонлар тариқасида табриклаш имкониятига эга бўлганлигимиз ва Норвегияда бизларга нисбатан кўрсатилган меҳмондўстликка лоақал озроқ даражада бўлсада жавоб қайтариш имкониятига эга бўлганлигимиз учун жуда хурсандмиз, деди ўзининг нутқида Н. С. Хрушчев.

Норвегияга келганимизга бугун икки кун бўлди. Шу вақт ичида биз мамлакатингизнинг давлат арбоблари билан учрашиш ва суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

Шуни айтишим керакки, деб давом қилди Н. С. Хрушчев, сизлар билан ўтказган биринчи суҳбатларимиз бир қанча муҳим масалаларда давлатларимизнинг позицияси кўп жиҳатдан бир-бирига монанд эканлигини тасдиқлади. Мен бунда ўзаро тинчликда яшаш, мамлакатларимиз ўртасида алоқаларни ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, халқаро кескинликни юмшатмоқ учун янги йўллар ва восталар қидириш ҳақида гапирмоқдаман.

Норвегия ҳукумати агрессив мақсадларни кўзловчи сиёсатга кўмаклашмайди ва чет давлатларнинг қуролли кучларига Норвегия территориясида базалар бермайди, Норвегияда ядро қуролини жойлаштиришга йўл қўймайди, деб Норвегия ҳукумати берган ваъда Совет Иттифоқида ижобий равишда қабул қилинди, деди сўнгра Н. С. Хрушчев. НАТОнинг кўп томонлама, деб аталган ядро кучларини вужудга келтиришда қатнашмасликка ва шу кучларнинг Норвегиянинг территориал сувларидан фойдаланишига йўл қўймасликка Норвегия ҳукумати қарор қилганлигига ҳам муносиб баҳо бермасдан ўтиб бўлмайди.

Сизда ҳам, бизда ҳам иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истаги бор, шундай истак бўлганида эса ўзаро манфаатли савдо-сотиқни ривожлантириш йўлини ҳам қидириб топиш мумкин.

Сўнгра Совет ҳукуматининг бошлиғи бундай деди: Норвегиянинг истакларини ҳисобга олиб, бизнинг ташкилотларимиз Пасвик дарёсида иккинчи Совет ГЭСини қуришда Норвегия фирмаларини қатнаштириш масаласини кўриб чиқишга тайёр. Биз тағин ҳам узоқроқ муддатга мўлжалланган янги савдо битими тузиш тўғрисида фикрлашиб олишга тайёрмиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқнинг ҳажми мавжуд имкониятларга нисбатан ҳали унчалик катта эмас, албатта. Лекин бу хусусда ҳар иккала томонда истак бўлса, савдо-сотиқ анча кенгайтирилиши мумкин.

Қутб доираси нарёғидаги районларни ўзлаштиришга доир тажрибаларни ва илмий муваффақиятларни айирбошлаш соҳасида Совет Иттифоқи билан шимолий Европа мамлакатлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб Сиз жаноб Герхардсен айтган фикр Совет Иттифоқида мамнуният билан қабул қилинди. Бундай ҳамкорлик Норвегияга ҳам, Совет Иттифоқига ҳам катта фойда келтиришига ишончимиз комил.

Халқаро кескинликни юмшатиш ҳамда мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш йўлида Норвегия сарфлаётган куч-ғайратларнинг ҳаммаси, деди Н. С. Хрушчев, Совет Иттифоқида астойдил ва қизғин қўллаб-қувватланади. Мамлакатларимиз ўртасида яхши муносабатлар кўп замонлардан бери мавжуд бўлиб келди. Бу яхши традицияни давом эттираверайлик!

Н. С. Хрушчев ўз нутқининг охирида қадаҳ кўтариб, Совет Иттифоқи ва Норвегия халқлари ўртасида дўстлик янада мустаҳкамлансин ва ривожлансин, бош министр Герхардсен ва унинг рафиқаси соғ-саломат бўлсинлар, Норвегия ҳукуматининг аъзолари соғ-саломат бўлсинлар, бутун дунёда тинчлик бўлсин деб хитоб қилди.

Норвегия бош министри Э. Герхардсен жавоб нутқи сўзлади.

ОСЛО, 1 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Кеча бу ерда халқ уйи биносида Норвегия жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Норвегия ташқи сиёсат институти ташкил этган бу йиғилишда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев катта нутқ сўзлади.

Йиғилишда Норвегия Бош Министри Э. Герхардсен, стортинг раиси Н. Лангхелле, ҳукумат аъзолари, стортинг депутатлари, «Норвегия—Совет Иттифоқи» жамиятининг аъзолари, мамлакатнинг сиёсий ва жамоат арбоблари, меҳнаткашлар ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Н. С. Хрушчев ўз нутқининг бошида айтдики, совет ва норвеж халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари анча узоқ вақтлардан бери томир ёйиб келмоқда. Норвеж ва рус денгизчилари Шимолий муз денгизларида сув йўлларини биринчи бўлиб очган эдилар. Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли йилларида совет ва норвеж халқлари фашизмга қарши биргаликда олиб борилган курашда жипслашдилар.

Сўнгра Н. С. Хрушчев Норвегия билан Совет Иттифоқининг шимолдаги турмуш шароитида кўпгина умумийлик борлигини кўрсатиб айтдики, шу районларда яшаб турган одамлар олдида табиатнинг қаттиқ шароитини ўзгартиришдан иборат мураккаб вазифалар турибди. Сўнгра Н. С. Хрушчев Совет халқи Чекка Шимолда қандай яшаётганлиги ва меҳнат қилаётганлигини, Совет ҳокимияти йилларида бу районда қандай мувафақиятларга эришганлигини гапириб берди.

Совет ҳукумати бошлиғи СССР ва Норвегия халқлари ўртасидаги яхши ҳамкорлик традициялар ҳақида гапириб, Норвегия инженерлари, техниклари ва ишчилари чегарадаги Пасвик дарёсида қуриб биткизган гидроэлектростанция яқинда ишга тушганлигини, бу станциянинг турбиналари ва бошқа ускуналари эса Ленинградда тайёрлаб берилганлигини айтиб ўтди. Бу, деди Никита Сергеевич, тинчлик манфаати йўлида қилинган яхши ўртоқларча ҳамкорлик бўлди. Эндиликда мана шу дарёда Норвегия фирмаларининг иштироки билан иккинчи электростанция қуриш тўғрисида музокаралар олиб борилади.

Н. С. Хрушчев Қутб доираси нарёғини, Арктика ва Антарктидани ўрганиш ва ўзлаштириш ишида, жумладан Шпицбергенни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан ўзлаштириш ишида Совет Иттифоқи билан Норвегиянинг куч ва ғайратларни бирлаштириш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Сўнгра Совет ҳукумати бошлиғи ташқи сиёсатнинг баъзи масалаларига тўхталди.

Норвегия давлат арбоблари билан олиб борилган биринчи суҳбатлар вақтидаёқ, деди у, Совет Иттифоқи ва Норвегиянинг қарашларида бир-бирига монанд жиҳатлар кўплиги равшан бўлиб қолди. Бунда гап, деди Никита Сергеевич, ҳар иккала томон тинчликда яшашни, мамлакатларимиз ўртасида алоқалар ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришни, кескинликни юмшатмоқ учун янги йўл ва воситалар қидиришни истаганликлари ҳақида бораётир.

Н. С. Хрушчев жаҳонда ҳозир ҳам қон тўкилаётган жойлар оз эмаслигини, мустақиллик ва суверенитет учун курашнинг ҳал қилинмасдан ётган муҳим масалалари борлигини айтиб, бундай деди: Ҳамма давлатларнинг тинч-тотув яшаш позициясига ўтишларига, етилган халқаро масалаларнинг ҳаммасини куч ёрдами билан эмас, қурол ўқталиш йўли билан эмас, балки тинч ва осойишта вазиятда музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишга эришмоқ керак. Урушнинг олдини олмоқ учун фақат шундай йўллар билангина мустаҳкам замин тайёрлаш мумкин.

Н. С. Хрушчев қаттиқ халқаро контроль остида батамом ва ёппасига қуролсизланиш тинчликка олиб борадиган энг тўғри йўл эканлигини таъкидлаб, бундай деди: Лекин биз мана шу улуғ мақсадни олдимизга қўйиш билан бирга халқаро кескинликнинг айрим тугунларини ва ҳарбий хавф манбаларини тугатишга ҳам катта аҳамият бермоқдамиз.

Н. С. Хрушчев НАТО мамлакатлари билан Варшава шартномаси мамлакатлари ўртасида ҳужум қилмаслик пакти тузиш, жаҳоннинг турли районларида ядросиз зоналар вужудга келтириш, ер ости ядро синовларини тўхтатиш, атом қуролининг бошқа давлатлар қўлига ўтишига йўл қўймаслик ва шу кабилар ҳақида Совет ҳукумати томонидан қилинган таклифларни эслатиб ўтди.

Германия проблемасини ҳал этишга халақит бериб турган зиддиятлар тугунини аллақачон узиб ташлаш керак эди, деди Н. С. Хрушчев. Модомики, Европа хавфсизлигини мустаҳкам таъминлашга интилар эканмиз, ҳар иккала Герман давлати билан сулҳ шартномасини имзолаш зарур. Бундай шартномани имзолаш Ғарбий Германиядаги агрессив кучларни агрессив реваншчилик кайфиятларини авж олдириш имкониятидан маҳрум қилган бўлур эди.

Сўнгра Совет ҳукумати бошлиғи Европа шимолидаги вазиятга тўхталиб, бу райондаги вазият жаҳоннинг бошқа районларидаги вазиятга нисбатан бирмунча осойишта эканлигини қайд қилди. Н. С. Хрушчев Финляндиянинг актив тинчликсевар сиёсати ва Швециянинг бетарафлик сиёсати бунда муҳим роль ўйнаётганлигини айтиб, сўнгра бундай деди: Норвегия ва Дания ўз мамлакатларининг территорияларига ядро қуролини ва чет эл қўшинларини жойлаштиришга рози бўлмаётганликлари, кўп томонлама ядро кучларини вужудга келтиришда қатнашишдан бош тортаётганликлари ҳам бу нарсага ёрдам бераётир, деб ҳисоблаймиз.

Шимолдаги мамлакатлар давлат арбобларининг бу районда тинчликни янада мустаҳкамлаш йўлида қўйган ҳар бир қадамларини табриклаймиз. Шу мақсад билан Ўнден плани деб аталган планни ва президент Кекконеннинг Европа шимолида атомсиз зона вужудга келтириш ҳақида яқинда қилган таклифини эсга туширимаслик мумкин эмас.

Сўнгра Совет ҳукумати бошлиғи Ғарбдаги реакцион доираларнинг Норвегияга нисбатан Совет Иттифоқининг қандайдир «макрли планлари» бор деган уйдирмаларини фош қилиб ташлади.

Бунақа ифво гапларга ишонманглар, деди Н. С. Хрушчев. Биз Совет—Норвегия чегараси чинакам тинчлик чегараси бўлиб қолишини истаймиз. Шунинг учун ҳам биз сизларнинг шимолингиз билан бизнинг шимолий районларимиз ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори бўлиб чиқмоқдамиз.

Сўнгра Н. С. Хрушчев Норвегияга қандай ташқи сиёсат ўтказиш тўғрисида маслаҳатлар бериш ниятида Совет ҳукуматида асло йўқлигини айтиб, шу билан бирга бундай деди: Бизнинг фикримиз шуки, ҳар иккала томон—Ғарб давлатлари ҳам, социалистик мамлакатлар ҳам эътироф қиладиган бетарафлик сиёсати Норвегия, Дания, Швеция, Финляндия сингари мамлакатлар учун хавфсизликни таъминлайдиган энг мустаҳкам гарантиядир.

Н. С. Хрушчев ўз нутқининг охирида бундай деди: Норвегия гражданларидан олти кишини иккинчи жаҳон уруши даврида совет ҳарбий гражданларини қутқариб қолишда ва уларга ёрдам беришда мардлик ва жасорат кўрсатганликлари учун Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида бугун совет матбуотида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинди.

Н. С. Хрушчев мукофотланганларни чин кўнгилдан муборакбод қилди, уларга сиҳат-саломатлик ва турмушларида бахт-саодат тилади. У СССР билан Норвегия ўртасидаги муносабатларни тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатларини кўзлаб мустаҳкамлаш зарурлигини яна бир марта уқтириб ўтди.

Нутқ тамом бўлганидан кейин гулдурос қарсаклар бошланиб кетди ва анча давом қилди. П. Фрюденберг СССР Министрлар Советининг Раисига мароқли, ёркин нутқи учун ташаккур айтди. Совет ҳукумати бошлиғи минбардан тушгунча залдагилар ўринларидан туриб, уни қарсаклар билан табриклаб турдилар.

Никита Сергеевич нутқини тамомлаб, кичик залга ўтди, у ерда тўпланганларни қизғин табриклади. Бу ерда ҳам уни жуда хурсандлик билан кутиб олишди.

Н. С. Хрушчев Халқ уйи биносидан чиқиши билан уни жуда кўп одамлар ўраб олишди. Улар Совет ҳукуматининг бошлиғини қизғин табрикладилар. «Ура!», «Велкоммен» деган хитоблар, қарсаклар янграб турди.

Кеча ТАСС мухбири Н. С. Хрушчев нутқини эшитган Пауль ва Стейн Ховдинглар билан суҳбатлашди. Ёш йигит Стейн Ховдинг Норвегия ишчилар ҳаракатида актив қатнашган оилалардан бирининг тўртинчи авлодидир. Унинг катта бобоси 1887 йилда Арендалда меҳнаткашлар ташкилотига биринчилар қаторида аъзо бўлиб кирган кишилардан эди. Шундан бери Ховдинг авлодларининг ҳаммаси ишчилар ҳаракатида актив қатнашиб келмоқда. Стейн Норвегия ишчилар партияси Ёшлар ташкилоти марказий правлениесининг аъзосидир.

Бош Министр Хрушчевнинг нутқига қизиқиш ниҳоятда катта бўлди, деди Стейн. Бу учрашувда қатнашиш учун таклифнома олиш бахтига муяссар бўлганлигимиз учун мен отам билан бирга жуда хурсандмиз. Бундай қизиқишнинг сабаби ҳам маълум Н. С. Хрушчев, ҳеч шубҳасиз ҳозирги замондаги жуда атоқли давлат арбобларининг бири. Албатта, биз унинг хамма фикрларига ҳам қўшилаётганимиз йўқ. Лекин у тарғиб қилаётган тинч-тотув яшаш идеясини ҳар бир ақли расо киши қувватлайди. Яна шу нарса ҳам муҳимки, Н. С. Хрушчев шахсга сиғинишга қарши тинимсиз курашиб келмоқда.

**В. ХАТУНЦЕВ,**
**Д. ЕРШОВ,**
**М. КОСОВ.**



ОСЛО. 30 июнда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ҳамда Норвегия ҳукумати аъзолари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Суратда: музокаралар пайти.

ТАССнинг махсус мухбири В. Егоров фотоси. (Фототелеграф орқали олинган).

## МАГНИТОГОРСК МЕТАЛЛУРГЛАРИГА ҚУТЛОВ

**РСФСР Қурилиш министрлиги «Главюжуралстрой»ига қарашли Ленин орденли «Магнитостой» трестининг, СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари давлат ишлаб чиқариш комитетига қарашли монтаж ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг, Жанубий Урал халқ хўжалиги кенгашига қарашли Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Магнитогорск металлургия комбинатининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларига, партия, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига**

**Қадрли ўртоқлар!**

**КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети сизларни меҳнатда қўлга киритилган катта ғалаба билан — Магнитогорск металлургия комбинатида янги домна печининг қуриб битказилганлиги билан самимий табриклайдилар.**

**Бу домнанинг ишга туширилиши комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни анча яхшилашга, пўлат ва прокат ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, металл таннархини камайтиришга имкон беради.**

**Ишлаб турган корхона шароитида йириқ домна печининг мураккаб комплекси қисқа муддатларда қурилганлиги Магнитка қурувчилари ва металлургларга шонли коллективларининг, шунингдек машинасозлик заводлари ва лойиҳалаш ташкилотларининг КПСС XXII съезди қабул қилган коммунистик қурилиш улуғвор программасини амалга ошириш учун курашда эришган ажойиб муваффақиятидир.**

**КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдирадиларки, Магнитогорск металлургия комбинатининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари домна печининг лойиҳадаги қувватларини тез ўзлаштирадилар ва оширадилар, қурувчи ва монтажчилар эса тўпланган тажрибадан фойдаланиб, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширишга ва ўнаётган ишлаб чиқаришда янги муваффақиятларга эришадилар.**

**Қадрли ўртоқлар, сизларга ишлаб чиқаришда янги муваффақиятлар тилаймиз.**

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

## *Ғалла фронтида*

**Ўзбекистон ССР областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1964 йил 1 июля бўлган МАЪЛУМОТ**

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

| Областлар | Мавсумда | Бир кунда |
|---|---|---|
| Қашқадарё | 37,3 | 2,6 |
| Сирдарё | 33,1 | 3,9 |
| Фарғона | 31,3 | 2,1 |
| Андижон | 30,5 | 1,6 |
| Сурхондарё | 28,0 | 1,8 |
| Бухоро | 19,5 | 2,5 |
| Тошкент | 10,3 | 1,5 |
| Самарқанд | 8,3 | 1,0 |

## ПОЙТАХТИМИЗ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети Ўзбекистон пойтахти коммунистлари, комсомоллари ва барча меҳнаткашларига Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 40 йиллиги олдидан мурожаат қабул қилдилар. Унда жумладан бундай дейилади:

Бу юбилей йилида республикамизнинг 40 йиллик йўлига якун ясалади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети барча меҳнаткашларни бу тўйни коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янги-янги ютуқлар билан нишонлашга чақирдилар.

Бу чақириқ ҳар бир тошкентликнинг қалбига чуқур сингмоқда. Етти йилликнинг олтинчи йили учун белгиланган давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши ва ортиги билан адо этилиши ана шу чақириққа энг яхши жавоб бўлади.

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети саноат ходимларига, енгил ва озиқ-овқат саноати ишчилари, инженер-техник ходимларига, бинокорларга, шаҳар транспорти, савдо ва умумий овқатланиш ходимларига, ёшларга, маҳаллалар, уй бошқармалари активлари, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёлларга, пенсионерларга, пионер ва мактаб ўқувчиларига мурожаат қилиб, ҳар бир киши қаерда ва қандай юмуш билан шуғулланишидан қатъи назар, ўз ишини яна ва яна бир бор ўз-ўзини таҳлил асосида анализ қилиши, республика юбилейига тайёргарлик давридаги ўз ўрни ва ролини аниқлаб олиши зарурлигини уқтириб кўрсатдилар.

Мурожаат қуйидаги сўзлар билан якунланади:

**Шаҳар партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ижроия комитети шунга қатъий ишонадиларки, Тошкентнинг ўзининг шонли революцион традицияларига эга бўлган ишчилар синфи, интеллигенцияси, барча меҳнаткашлари Самарқанд шаҳар меҳнаткашларининг республика юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириш бўйича бошлаган ташаббусини қўллаб-қувватлаб, шаҳар экономикаси ва маданиятини юксалтиришда ажойиб янги ғалабаларга эришадилар, ҳаммамиз учун жуда ҳам қадрли бўлган юбилей йилида коммунизм қурилиши ишига катта ҳисса қўшадилар!**

## ТАШВИШЛИ СИГНАЛЛАР

### СИФАТСИЗ КУЛЬТИВАЦИЯ

**Чуст бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг М. Мақсудов бошлиқ бригадасида ғўза парвариши қўнгилдагидек олиб борилмаяпти. Маълумки, механизатор ернинг хўжайини. Ҳосилни бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам механизатор. Лекин бригаданинг механизатори А. Қорабоев масъулиятни тўла ҳис қилмаяпти. У ўз агрегатининг ишчи органларини пала-партиш ўрнатиб, кўчатларни нобуд қилиб кетяпти. Қатор ораларини 5-6 сантиметр чуқурликдагина юмшатяпти. Натижада бегона ўт ўлмаяпти. Энг зарарли жойи шундаки, юза юмшатилган майдондаги нам тез кўтарилиб, ғўзалар чанқаб қолмоқда.**

### *РЕМОНТ ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?*

**Янги ер бошқармасидаги 2. «Боевут» совхози пахтакорлари 4100 гектар майдондан 6900 тоннали «оқ олтин» хирмони кўтаришга бел боғлаганлар. Бунча ҳосилни қўлда териб олиш осон бўлмайди, албатта. Бироқ совхознинг марказий ремонт устахонасида машина теримига тайёргарлик сезилмаётир. Бу ерда 93 та терим машинаси ремонт қилиниши керак. Уларга ҳали қўл урилмаган, қисмлари сочилиб ётибди.**

**7 та терим машинаси бу йил капитал ремонт қилиниши керак. Лекин бу машиналар ҳам ҳалигача «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси устахонасига юборилган эмас.**

**Шуниси ачинарлики, терим машиналарини ремонт қилишда атиги икки слесарь ишламоқда. Совхоз раҳбарлари ремонт ишлари билан дўппи тор келганда шуғулланадиганга ўхшайдилар.**

**Совхозга бу йил 10 та янги «ХВС-1,2» терим машинаси келтирилди. Бироқ бу машиналар ҳам очиқ жойда, бепарволик билан сақланмоқда.**

**А. ХОЛМАТОВ.**

МЕХАНИЗАТОР: тракторим қаерда қолди экан?

Н. Воробейчиков чизган расм.

## САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

**МОСКВА, 30 июнь. (ТАСС). Сомали Республикасининг миллий байрами —мустақиллик куни муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев республика бош министри Абдураззоқ Хожи Ҳусайнга телеграмма юборди.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Сомали Республикасининг президенти Адан Абдулла Усмонга табрикнома юборди.**

* * *

**МОСКВА, 30 июнь. (ТАСС). Руанда Республикасининг мустақиллиги эълон қилинганига икки йил тўлганлиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Руанда Республикасининг президенти ва ҳукумат бошлиғи Грегуар Кайибандага дўстона табрикнома юборди, республика халқи ва ҳукуматига муваффақият ва равнақ тиладилар.**

## *МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ*

— Ғалла ўрим-йиғимида қўлланиладиган машина-ускуналарни тезроқ етказиб бериш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолди! — дейишади Самарқанд станцияси кондукторлар резерви ходимлари. Улар ҳақиқатан ҳам ғаллакорларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Комбайн ва бошқа техника-ускуналар ортилган темир йўл составларини графикдагидан 20-30 минут илгари манзилларга етказиб бормоқдалар. А. Раҳматов, Н. Фомин, А. Рустамов сингари кондукторлар 15 кунда бир ойлик топшириқни бажариб қўйдилар.

**А. ОЧИЛОВ,**
**кондуктор.**

Бухоро областидаги Ғиждувон пахта тозалаш заводи коллективида смена мастери ўртоқ М. Изомов раҳбарлик қилаётган бригада энг юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бригада аҳли смена давомида 32 тонна ўрнига 36,37 тоннага етказиб маҳсулот тайёрлаяпти. Корхонанинг момиқ ажратувчиси Ф. Вафоев, прессловчи Ў. Ўринов, М. Раҳматов ўртоқлар ҳам смена топшириғини 130-140 процент бажариб, республика юбилейига муносиб туҳфа тайёрлаётирлар.

**Т. МАҚСУДОВ.**

Қорақалпоғистон қурилиш материаллари комбинатининг Амударё филиали коллективи беш ойлик планни 130 процент бажарган эди. Азаматлар ярим йиллик топшириқни ҳам муддатидан илгари адо этдилар. Планга қўшимча равишда кўпгина ғишт, оҳак ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Ю. Отажонов, С. Айтекеев, П. Бекчонов ўртоқлар корхона коллективи мусобақасида илгорликни эгаллаб келмоқдалар. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ етти ойлик планни бажариб қўйишди.

**Қ. БОБОНИЕЗОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

# ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун совет халқи билан биргаликда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш юзасидан КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари белгилаб берган улкан программани амалга ошириш учун мисли кўрилмаган ғайрат билан курашмоқдалар. Ишлаб чиқариш процессларини химиялаштириш ва механизациялаш, суғориш ишларини ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш республикамиз колхоз ва совхозлари олдида пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада кучли суратда юксалтириш истиқболини очиб беради.

Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари пахта ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан бу йил юқсак социалистик мажбуриятлар олдилар. Давлатга қоракўл тери сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарган қоракўлчилар етти йилликнинг олтинчи йилига мўлжалланган марраларга етганликлари тўғрисида республикада биринчи бўлиб рапорт бердилар. Шунингдек республика пиллачилари ҳам пилла тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Тухум, сут, гўшт тайёрлаш ўтган йилдагига қараганда яхшироқ ташкил этилди. Дон экиладиган юқори ҳосил етиштирилди, ўрим-йиғим ишлари авж олиб кетди, Ўзбекистоннинг улкан дон хирмони учун кураш ҳал қилувчи паллага кирди.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мамлакатни пахта билан таъминлашдек ўз интернационал бурчларини чуқур англаганлари ҳолда, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси шонли қирқ йиллигини муносиб нишонлашга интилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республиканинг барча меҳнаткашларига қарата чиқарган мурожаатига зўр завқ-шавқ билан жавоб бермоқдалар ва юбилей вахтасида туриб, қабул қилинган мажбуриятни бажариш — етти йилликнинг олтинчи йилида мамлакатга 3 миллион 600 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун шу қизғин кунларда ғайратларига ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Бу соҳада КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати республикамизга жуда катта ёрдам бердилар.

Қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашларини юбилей йилида юқори ҳосил олиб, Ватанни қуввоткиришга чақирган Хоразм область, Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи Искандар Юсуповнинг ватанпарварлик ташаббуси республикамизнинг колхоз ва совхозларида қизғин маъқулланди. Пахтанинг ўртача ҳосилдорлигини гектарига 32 центнерга етказишга аҳд қилган Хоразм область колхозчиларидан намуна олиб, бутун республикада илгари қабул қилинган мажбуриятларни ортиги билан бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олмоқда.

Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон пахтакорларининг традицияга айланган мусобақалари социалистик мажбуриятларни муваффақият билан бажаришда жуда катта аҳамиятга эга. Бу мусобақа мамлакатимиз халқлари буюк дўстлигининг, тинчлик учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети ленинча миллий сиёсатининг ёрқин тимсолидир.

Кўпгина колхоз ва совхозлар кўкламдаги об-ҳаво ноқулайликларини енгиб, экиш ишларини юксак агротехника даражасида ўтказдилар, ғўзанинг соғлом ва бир текис униб чиқишига эришдилар ҳамда уни парвариш қилиш ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон ССР Олий Совети қайд қиладики, кўпгина совет ва қишлоқ хўжалик органларининг колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ташкилотчилик ишларининг савияси КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қўйган вазифаларга ва пахта етиштириш бўйича 1964 йил учун қабул қилинган мажбуриятларга ҳали тўла жавоб бермаётир.

Социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги юзасидан қардош республикалар — Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон вакиллари ўтказган ўзаро текшириш кўрсатганидек, колхоз ва совхозларнинг анчагина қисмида ғўзаларнинг ривожи жуда орқада қолган, уларни ёввойи ўтлар босиб кетиб, эзилиб нимжон бўлиб қолган. Бекобод, Сирдарё, Пахтаорол, Ўзбекистон, Задарё, Учқўрғон, Булунгур, Бухоро, Қарши, Термиз, Чимбой, Кегайли ва бошқа бир қанча ишлаб чиқариш бошқармаларида ғўза парвариши айниқса ёмон аҳволдадир.

Ғўзалар нормал ривожланганда 20 июнгача ҳамма ерда ялпи шоналаган бўлиши ва гуллай бошлаши керак эди. Ҳақиқатда эса шу муддатгача пахта майдонларининг атиги 66 процентидагина ғўза ялпи шоналаш даврига кирган, қолган майдонларда эса ғўзалар ҳали шоналаган эмас.

Умуман бутун республика бўйича 537 минг гектар майдонда ғўза ривожи 10-15 кун ва ундан ҳам кўпроқ орқада қолган. Сирдарё, Бухоро, Самарқанд областларининг ва Қорақалпоғистон АССРнинг ҳўжаликларида ғўзанинг ривожи айниқса орқада қолган.

Ўзаро текшириш натижасида кўпгина колхоз ва совхозларда техника, ўғит, заҳарли химикатлар ва бошқа моддий-техника ресурсларидан қониқарсиз фойдаланиш фактларининг аниқланиши пахта далаларида шундай оғир аҳвол рўй берган шароитда айниқса чидаб бўлмайдиган бир ҳолдир. Кўпгина колхозчилар ва совхоз ишчилари ғўзани парвариш қилишга жалб қилинмаган. Чопиқ агрегатларининг ҳаммасини ишга солиш чоралари кўрилмаган. Механизаторлар, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг каттагина қисми белгиланган иш нормаларини бажармаётир.

Хўжаликларнинг ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг талабларга раҳбарлари ва мутахассислари ғўза парваришини юқори сифатли қилиб ўтказиш учун курашмаётирлар. Натижада трактор культивацияси ва ғўзани озиқлантириш кеч ва кўпинча сифатсиз ўтказилмоқда. Культивация етарли даражада чуқур бўлмаётир ва ишчи органлари тўла ишга солинмаётир. Ғўза тупларини сақлаб қолиш тўғрисида тегишлича ғамхўрлик қилинмаётир.

Ҳар бир даладаги ўсимликларнинг ҳолатига қараб, ғўзани табақалаштириб парвариш қилиш жуда муҳим эканлигига қарамай, кўпинча ғўза шу тариқа парвариш қилинмаётир. яхши ривожланмаётган ғўзаларга қўшимча озуқа берилмаётир ва шу мақсадда мавжуд маҳаллий органик ўғит ресурсларидан яхши фойдаланилмаётир.

Бир қанча областларнинг совет, қишлоқ хўжалик органлари ва сув хўжалиги ташкилотлари сув ресурсларидан фойдаланишга нотўғри муносабатда бўлишяпти, сувнинг хўжасизлик билан сарфланишига йўл қўйишяпти. Сувдан фойдаланиш коэффициенти Қорақалпоғистон АССРда 0,25 дан, Қашқадарё областида 0, 43 дан, Сурхондарё областида 0,50 дан ошмайди. Кўп жойларда суғориш яхши сифатли қилиб ўтказилмаётир, кечаю кундуз суғориш ташкил қилинмаган, мавжуд сифон найчаларидан ёмон фойдаланилмоқда. Сувчилар ишини ташкил этишга, уларга зарур шароитлар яратиб беришга етарлича эътибор берилмаяпти.

Вегетацион суғоришни кечиктириб юбориш кўпгина хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассисларининг катта хатоси бўлиб, бу ҳол ғўзанинг чанқаб қолишига олиб келади.

Кўпгина пахта далаларида, айниқса Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда карадрина кўплаб тарқалиши натижасида хатарли аҳвол юз берди.

Сигнализация ва прогноз хизматининг ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш область станцияларининг қониқарсиз ишлаши сабабли кўпгина колхоз ва совхозлар карадринага қарши курашга тайёргарлик кўролмаганлар. Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти ҳам карадринанинг кўпайиши хавфи тўғрисида ўз вақтида сигнал бермаган. «Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг ҳамда республика Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг айби билан карадрина ёппасига тарқалган районларга ўз вақтида заҳарли химикатлар етказиб берилмади, бу ҳол ғўзаларни дорилашни кечиктириб юборишга ва жуда кўп заҳарли моддаларни бир областдан иккинчи областга ташиб келтиришга олиб келди. Граждан ҳаво флотининг Ўзбекистон территориал бошқармаси самолётларни планда кўзда тутилган миқдорда ўз вақтида етказиб бермай, бу ишда жуда сусткашлик кўрсатди.

Айрим ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари карадринага қарши курашда саросимага тушиб қолдилар ва уюшқоқлик кўрсатмадилар, бу курашни жуда кеч бошладилар, карадринага қарши дори сепишни сифатли қилиб ўтказишга эътибор бермадилар, бу эса ғўзага зарар етказди ва ғўза ривожининг янада орқада қолиб кетишига сабаб бўлди.

Қоракўл, Бухоро, Вобкент, Ғиждувон, Каттақўрғон, Норпой, Пойариқ, Иштихон, Тўрткўл, Амударё, Хўжайли, Кегайли, Косон, Қарши, Яккабоғ ва бошқа бир қанча ишлаб чиқариш бошқармаларига қарашли хўжаликларда карадрина кўп тарқалиб, айниқса ёмон аҳвол юзага келди.

Кўпгина хўжаликларда ғўзага ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига авиация ёрдамида ҳамда ерга заҳарли химикатлар билан ишлов беришда белгиланган техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаётир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети қайд қиладики, айрим ишлаб чиқариш бошқармалари колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ҳали ҳам суст таъсир кўрсатмоқдалар, хўжаликларнинг раҳбарларига камдан-кам малакали маслаҳатлар берадилар, ғўзанинг ривожи кечикаётганлигини тугатиш юзасидан зарур ташкилотчилик ишлари олиб бормайдилар ва дала ишларининг сифатли бўлиши учун талабчанлик кўрсатмайдилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ва унинг область бошқармалари ғўза парваришини ташкил қилишда ишлаб чиқариш бошқармаларига етарлича ёрдам кўрсатмаётирлар.

«Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг кўпгина район бўлимлари хўжаликларда чопиқ агрегатларидан юқори унумли фойдаланишни ташкил этишга, агрегатларга техника хизмати кўрсатишни йўлга қўйишга ва уларнинг бетўхтов ишлашини таъминлашга етарли эътибор бермаётирлар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва унинг институтлари, СоюзНИХИ, унинг филиалари ва тажриба станциялари кўпгина таянч-намуна хўжаликлари колхоз ва совхозлар ишига янги, илғор тажрибаларни жорий қилиш соҳасида зарур активлик кўрсатмайдилар, ғўза ривожининг кечиқишини мумкин қадар тезроқ тугатиш тадбирларини кўришда хўжаликларга етарлича ёрдам бермайдилар.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ҳамда унинг органлари меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини бузиш, колхозчиларга авансларни ва совхоз ишчиларига иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик фактларига қарши етарлича қураш олиб бормайдилар. Давлат банки конторалари колхозчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган пулларнинг сарфланишини яхши контроль қилмайдилар.

Маданий-тарбиявий ишларнинг савияси колхоз ва совхозлар олдига қўйилган вазифаларга ҳали лозим даражада жавоб бера олмайди. Кўп хўжаликларда дала шийпонлари маданий-оммавий ишлар марказига, пахтакорнинг иккинчи уйига айланмаган, лекциялар, суҳбатлар, докладлар камдан-кам ўтказилади, қишлоқ меҳнаткашларига кино хизмати кўрсатиш ёмон ташкил қилинган, далада юқори унум билан ишлаш учун колхозчилар ва совхоз ишчиларига ҳамма ерда зарур шароит яратиб берилмаган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ғўза парваришида йўл қўйилган ва қардош республикалар пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадалари аниқлаган ҳамма камчиликларни тезда бартараф қилиш, барча қишлоқ меҳнаткашларини қабул қилинган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажаришга — бу йил Ватанга 3 миллион 600 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашга сафарбар этиш Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг, республика Сув хўжалиги министрлигининг, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, меҳнаткашлар депутатлари область, район ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ижрия комитетларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг энг муҳим вазифаси юклатилсинки, токи суғорилган ҳар бир участка ўз вақтида, тупроқ етилган пайтда, ишчи органлари тўла-тўкис ва тўғри жойлаштирилган ҳолда ишлансин ва бунда тупроқни доимо юмшоқ, нормал намликда ва бегона ўтлардан тоза ҳолда тутиб туриш ғўзанинг нормал авж олишининг ва шона ҳамда гулларни тўла сақлаб қолишнинг энг муҳим шарти эканлиги назарда тутилсин.

Ғўзага июль ойида икки марта комплекс ишлов бериш ва ҳосил пишиб етилгунча ғўза парваришини тинмай давом эттириш зарур. Ғўзага зарар етказмаслик ҳамда ҳосил тугунчаларини тўкиб юбормаслик учун чопиқ агрегатларига олдиндан щиткалар ўрнатилган бўлиши, ишловчи қисмлар уланадиган жой эса ўраб қўйилиши керак.

«Ўзсельхозтехника» органлари машина-трактор паркидан унумли фойдаланишни ташкил қилиш, унга техника хизматини яхшилаш, паркнинг узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш юзасидан олиб бориладиган ишларни кучайтиришлари лозим.

5. Ғўза ривожидаги қолоқликни тезлик билан тугатиш ва мўл ҳосил тўплаш ишида озиқлантириш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари зиммасига қуйидаги вазифаларни юклайди:

— июлда ғўзани 1-2 марта озиқлантириш таъминлансин;

— озиқлантиришни кечиктириш ҳосилнинг етилишини кечиктириши мумкинлигини ва пахта ҳосили сифатини пасайтириши мумкинлигини ҳисобга олиб, озиқлантиришни 15-20 июлдан кечиктирмай тугаллаш таъминлансин;

— минерал ўғитлар органик ўғитлар билан аралаштириб солинсин. Маҳаллий ўғитларнинг мавжуд ҳамма запаслари — чириган гўнг, фекалий компостлари, яйловлардаги қўй қийи ва бошқалар ташиб келтирилиб, уларни тупроққа солиш учун қўшимча чоралар кўрилсин. Шунингдек, органик ўғитларни «шарбат» қилиб оқизиш кенг қўлланилсин;

— бир даланинг ўзида ғўза бир текисда ривожланмаса, бутун даладаги ғўзанинг ривожини тезроқ бараварлаштириш мақсадида қолоқ участкаларни таҳлаб, бу участкалардаги ғўза қўшимча равишда озиқлантирилсин;

— ўғитлардан мумкин қадар кўп натижа олишни таъминлаш мақсадида озиқлантириш суғориш билан боғлаб олиб борилсин.

6. Ўзбекистон ССР Олий Совети пахтадан юқори ҳосил олиш, зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда қолоқ хўжаликларга кундалик амалий ёрдам кўрсатиш барча совет ва қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифасидир, деб ҳисоблайди. Қолоқ хўжаликлар сув билан, ўғит ва заҳарли химикатлар ҳамда бошқа моддий-техника ресурслари билан биринчи навбатда таъминланиши керак.

7. Ғўза зараркунандаларининг тарқалиши натижасида ҳосил жиддий хавф остида қолганлиги сабабли Ўзбекистон ССР Олий Совети совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари зиммасига ҳосилни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилиш ишига эътиборни кучайтириш вазифасини юклайди. Бунинг учун:

— қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни ташкил қилиш кескин яхшилансин, зарарланган майдонларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни тезлик билан дорилаш таъминлансин, токи зарарланган майдонлардаги карадрина жуда қисқа муддат ичида тугатилсин, кўккўртни йўқотиш учун уни қириш ишлари авж олдирилсин ва ўргимчаккана ҳамда юбормасликка имкон берадиган миқдорда қўйиш учун сифон найчалар, қоғоз қоплар ва бошқа мосламалар кенг қўлланилсин;

— сувчилар етишмаганда энг тажрибали колхозчилар ва совхоз ишчилари орасидан дарҳол танлаб олинсин, уларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратиб берилсин, бунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларидаги сувчиларнинг ролини, масъулиятини ва моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида» 1964 йил 9 июнда чиқарган 339 сонли Қарорида кўзда тутилган барча тадбирларни тезлик билан амалга ошириш чоралари кўрилсин.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги ва унинг жойлардаги органлари ғўзани ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини ўз вақтида сув билан таъминлаш учун қўшимча чоралар кўрсинлар, сувдан кечаю кундуз тўғри фойдаланиш устидан контролни кучайтирсинлар.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ва уларнинг маҳаллий органлари, меҳнаткашлар депутатлари область, район, қишлоқ Советларининг ижроқомлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари зиммасига мавжуд бўлган барча чопиқ агрегатларидан унумли фойдаланишни таъминлаш ва улар ишини шундай ташкил қилиш

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

# РЕСПУБЛИКА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ТАШКИЛИЙ-ОММАВИЙ ИШЛАРИНИНГ АҲВОЛИ ВА БУ ИШЛАРНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС тарихий XXII съездининг қарорларидан руҳланган Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Республикада йилдан-йилга саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муттасил ривожланиб бормоқда, етти йиллик план топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Етти йилликнинг ўтган йиллари ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш деярли 50 процент ошди. Рангли металлургия, нефтни қайта ишлаш, газ саноати ва машинасозлик каби оғир индустрия тармоқлари юксак суръатлар билан ривожланмоқда.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Шу йиллар ичида давлатга 16 миллион 100 минг тонна ёки олдинги беш йилликдагига қараганда 1 миллион 875 минг тонна кўп пахта сотилди. Дон, луб экинлари пояси, гўшт, сут, тухум, қоракўл тери, сабзавот ва картошка етиштириш кўпайди.

Маданият, фан, соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришда анчагина муваффақиятларга эришилди.

Республикамиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини ижодий кучлари барқ уриб яшнаётган бир шароитда кутиб олмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари шонли юбилей шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан Ватанни қувватиришга қаттиқ бел боғлаганлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети «Республика меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ташкилий-оммавий ишларининг аҳволи ва бу ишларни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилиб қайд қиладики, маҳаллий Советлар партия ташкилотлари раҳбарлиги остида ташкилий-оммавий ишларни тўхтовсиз такомиллаштириб борди, республика олдида турган халқ хўжалик вазифаларини ҳал қилишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

КПСС XXII съезди қарорларини амалга ошириш, давлат ва жамоат ҳаётининг ленинча нормаларига, социалистик демократиянинг мустаҳкам негизларига ва конституцион талабларга оғишмай амал қилиш натижасида Советларнинг иши яхшиланди, уларнинг халқ хўжалик вазифаларини ҳал қилишдаги, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишдаги роли ошди.

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари тобора оммавий ташкилотларга айланиб бормоқдалар. 1963 йил март ойида бўлган сайловларда Советлар составига 70 минг 288 депутат сайланди, буларнинг 65,7 проценти — бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасида машғул бўлган ишчи ва колхозчилардир. КПСС Программасидаги қоидага мувофиқ, Советлар ишини яхшилаш ва уларга янгидан-янги кучлар келиб туриши учун 40547 депутат Советларга биринчи марта сайланди. Советлар составининг 57,7 процент янгиланди.

Коммунистик партия Советлар ролини оширишни таъминловчи энг муҳим тадбирларни амалга оширди. Хўжалик ва маданий қурилишнинг кўпгина соҳаларида иттифоқдош республикалар ва маҳаллий совет органларининг ҳуқуқлари кенгайтирилдики, бу ҳол социалистик демократиянинг янада гуллаб-яшнаганлигидан далолат беради.

КПСС Марказий Комитети ноябрь (1962 йил) Пленумининг қарорларига мувофиқ, совет органларининг ишлаб чиқариш принципи асосида қайта қурилганлиги Советлар олдида янги имкониятлар очиб берди, маданий-маиший хизмат кўрсатишга раҳбарликни анча яхшилашга имкон берди. Советларнинг омма билан алоқаси мустаҳкамланди.

Коллектив раҳбарликнинг ва депутатларни давлатни идора қилишга жалб этишнинг муҳим мактаби бўлган сессиялар Советларнинг ташкилий-оммавий фаолиятида катта аҳамият касб этди, кўпчилик Советларда сессиялар белгиланган муддатларда ўтказилмоқда. Советлар маҳаллий ҳаёт масалаларини кўпроқ кўрадиган бўлиб қолдилар. Сессияларни тайёрлаш ва ўтказишга иштирок қилиш учун доимий комиссиялар, депутатлар, аҳоли тобора кенгроқ жалб қилинмоқда, қабул қилинаётган қарорларнинг таъсирчанлиги ошмоқда. Ижрокомларнинг сессияларда ҳисобот бериб туриш практикаси системага айланди.

Советларнинг доимий комиссияларининг аҳамияти ошди, бу комиссиялар составида 60 мингдан кўпроқ депутат иш олиб бормоқда, уларнинг иши янги мазмун билан бойиди. Доимий комиссиялар кенг активга суяниб, эътиборни ташкилотчилик ишига тобора кўпроқ қаратмоқдалар, муҳим тадбирларнинг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар, экономикани, маданиятни ва аҳолининг турмушини синчиклаб ўрганмоқдалар. Советлар қабул қилган қарорларнинг ижросини контроль қилиб турмоқдалар. Москва район, Каттақўрғон шаҳар, Тошлоқ қишлоқ (Охунбобоев райони) Советлари ва бошқа бир қанча Советлар доимий комиссияларининг фаолияти мақтовга сазовордир.

Советларнинг кўпчилик депутатлари ишлаб чиқариш фаолиятини депутатлик фаолияти билан бирга қўшиб олиб бориб, ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақият билан бажармоқдалар ва ошириб бажармоқдалар, кўпгина ижодий ишларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқмоқдалар, меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Маҳаллий Советларнинг депутатлари сайлов округларида катта иш олиб бормоқдалар, сайловчиларнинг наказларини бажаришга эришмоқдалар, гражданларни қабул қилмоқдалар, сайловчилар билан мунтазам учрашиб турибдилар ва улар олдида ўз ишлари ва Советларнинг ишидан ҳисоб бермоқдалар.

Меҳнаткашлар ташаббускор ташкилотларининг турли формалари, шунингдек жамоатчиликни Советлар ишига жалб қилиш кенг ёйилди. Маҳаллий Советлар ижрокомларининг штатсиз бўлимларида ҳамда жамоатчилик асосларида инструктор ва инспектор бўлиб қарийб 5 минг киши ишламоқда. Республикада 40 минг жамоатчи ташаббускор ташкилотлар, шу жумладан 4340 маҳалла, квартал комитетлари, 5660 ота-оналар комитетлари, 3365 хотин-қизлар кенгашлари, 4390 кўнгилли халқ дружиналари, 4391 та ўртоқлик суди ва бошқа кўпгина ташаббускор ташкилотлар бўлиб, буларда 500 мингдан кўпроқ киши иштирок қилмоқда.

Аҳолининг давлатни бошқаришда бевосита иштирок қилиш формалари кенг ривожланди. Кўпгина Советлар аҳолини сессиялар муҳокамасига киритилаётган масалалардан мунтазам суратда хабардор қилиб турибдилар, қарорлар проектларидан ҳаммани хабардор қилиш мақсадида уларни олдиндан босиб чиқармоқдалар, сайловчиларнинг таклифларини ҳисобга олмоқдалар. Гражданларнинг маҳалла ва уй бошқармаларидаги йиғилишлари, шунингдек қишлоқ йиғинлари маҳаллий ҳаёт масалаларини ҳал қилишда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Бир қанча Советларда ташкилий-оммавий ишларнинг таъсирчан формалари вужудга келди ва қарор топмоқда — депутатлар группалари тузилди, доимий комиссияларнинг функциялари кенгайтирилди, ижрокомлар сайёр мажлислар ўтказмоқдалар ва аҳоли олдида ҳисобот бермоқдалар. Советлар қарорларининг проектларини гражданлар олдиндан муҳокама қилмоқдалар.

«Депутатлар кунлари», Совет ходимлари кенгашлари ва семинарлари ўтказилаётганлиги Советлар ва уларнинг ижрокомлари, доимий комиссиялари ва депутатлари ишларини яхшилашга ёрдам бермоқда.

Маҳаллий Советлар ва уларнинг ижрокомлари демократик принципларга қатъий риоя қилишга, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга қаракат қилмоқдалар, гражданларнинг ҳуқуқларини қўриқлаш тўғрисида тобора кўпроқ гамхўрлик қилмоқдалар. Ижроия комитетларнинг иш услуби ва методлари такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети, республика меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ташкилий-оммавий иш даражаси КПСС XXII съездининг қарорлари ва партия Программасининг юксак талабларига ҳали тўла жавоб бермаётир, деб ҳисоблайди.

Бир қанча Советларнинг ташкилий-оммавий ишлари конкрет вазифалардан ажралган ҳолда олиб борилмоқда, бу иш саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг иш натижаларига етарли даражада таъсир кўрсатмаётир. Кўпгина маҳаллий Советлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми мутлақо тўғри кўрсатиб ўтганидек, ер-ер ва маданий-маиший қурилиш билан, аҳоли турмушининг маданиятини ошириш билан яхши шуғулланмаётирлар.

Бир қатор Советларда экономика, маданият ва турмушни ривожлантиришнинг муҳим масалалари сессияларга олиб чиқилмаяпти, ижрокомлар бу масалаларни кам муҳокама қилмоқдалар. Сессияларни чақиришнинг конституцион муддатларига риоя қилмаслик ҳоллари учрамоқда. Сессияларга олдиндан ҳамма жойда ҳам тегишлича тайёргарлик ишлари олиб борилмаётир, бу ишда депутатлар, жамоат ташкилотлари суст иштирок қилмоқдалар. Баъзи ижрокомлар депутатларнинг сессияларда айтган танқидий мулоҳаза ва таклифларини ҳисобга олмаётирлар, Советлар қарорларининг таъсирчан бўлишига эришмаётирлар, бу қарорларнинг қандай бажарилаётганлигидан депутатлар ва аҳолини хабардор қилмаётирлар. Ижрочи ва фармойиш берувчи органларнинг фаолияти устидан контроль қилишнинг сессияларда депутатларнинг ижроком раҳбарларига, уларнинг бўлимларига ва хўжалик органларига талаб қўйишлари каби муҳим формаси етарли оммалаштирилмаган. Советларнинг ва уларнинг ижрокомларининг маҳаллий касаба союз, комсомол, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамда меҳнаткашлар жамиятлари билан алоқаси етарли эмас.

Кўпгина Советларнинг доимий комиссиялари ўз ишларига активларни кам жалб қилмоқдалар, бир қанча ҳолларда Советларнинг, ижрокомларнинг ва комиссияларнинг қарорларини бажариш соҳасидаги ташкилотчилик иши билан яхши шуғулланмаётирлар. Тошкент, Бухоро, Сурхондарё областларининг ва Қорақалпоғистон АССРнинг баъзи Советларида доимий комиссиялар мунтазам иш олиб бормаётир.

Советлар фаолиятида депутатлар ишини уюштиришда жиддий камчиликлар бор. Ҳамма жойда ҳам сайловчилар билан учрашувлар ва улар олдида ҳисобот бериб туриш мунтазам суратда ўтказилаётир, деб бўлмайди. 1963 йилда Сирдарё область Совети, Тўртқўл ва Нукус шаҳар Советларининг кўпчилик депутатлари аҳоли олдида ҳисоб бермаган. Тошкентда ҳам ҳамма депутатлар ҳисоб беряптилар, деб бўлмайди. Маҳаллий Советларнинг ижрокомлари депутатларнинг ўқишига доимий эътибор бермаётирлар, ижобий тажрибани кам ўрганмоқдалар ва ёймоқдалар.

Амалий вазифаларни ҳал қилишда бир қатор маҳаллий Советлар ва уларнинг ижрокомлари жамоатчиликка етарли даражада суянмаётирлар, меҳнаткашларнинг ташаббускор ташкилотларига лозим даражада раҳбарлик қилмаётирлар.

Айрим ижрокомлар ташаббускор ташкилотларни расман тузиб қўйиш билан чекланиб, уларга зарур ёрдам ва мадад бермаётирлар, баъзи жойларда ташаббускор ташкилотлар уларга зарурат бор-йўқлигидан қатъи назар тузилмоқда, бу эса ишда параллелизм ва такрорланишни туғдирмоқда.

Баъзи ижрокомларда арз билан келувчиларни қабул қилишда ҳамда шикоят ва аризаларни кўриб чиқишда тегишли тартиб ўрнатилмаган, уларга бюрократларча эътиборсиз муносабатда бўлишга йўл қўйилмоқда.

Республика матбуоти ва маҳаллий матбуот, радио, телевидение Советларнинг, доимий комиссиялар, депутатлар ва ташаббускор ташкилотларнинг иш тажрибасини етарли даражада ёритмаётирлар.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ташкилий-оммавий ишларини янада яхшилаш ва КПСС XXII съезди ҳамда партия Марказий Комитетининг Пленумлари томонидан олга сурилган вазифаларни муваффақиятли бажариш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Меҳнаткашларни партия томонидан қўйилган коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилишга, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш планларини бажаришга сафарбар қилиш, меҳнат унумдорлигини кўтариш учун, коммунистик онглиликни кучайтириш ва ҳар бир гражданнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларини таъминлаш учун зарур шароит яратиб бериш — республика маҳаллий Советларининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

Советларнинг ташкилий-оммавий иши бу вазифаларни бажаришнинг энг муҳим воситаси эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССРнинг область, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советлари зиммасига Советлар, уларнинг ижрокомлари, доимий комиссиялари ва депутатларининг бутун иш савиясини янада кўтариш юзасидан чоралар кўриш юклатилсин. Коммунистик партия директиваларининг, СССР ва Ўзбекистон ССР қонунларининг, Советлар чиқарган қарорларнинг ва сайловчилар наказларининг амалда бажарилишини таъминлаш, ҳар бир депутатнинг, ҳар бир совет ходимининг ўзига топширилган яш учун масъулиятини ошириш, аҳолини давлат ишларини бошқаришга кенг жалб этиш маҳаллий Советлар олиб борадиган ташкилий-оммавий ишларининг асосий мазмуни бўлиши керак.

Ҳар бир Совет Конституция ва қонунларда белгиланган ўз ваколати доирасида коммунистик қурилишнинг ҳал қилувчи соҳаси бўлган саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишда актив иштирок этмоғи лозим.

Советлар аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун, халқ маорифини, соғлиқни сақлашни, коммунал хўжаликни ривожлантириш учун, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш учун батамом жавобгардирлар. Маҳаллий Советлар, уларнинг ижрокомлари, доимий комиссиялари ва депутатлар ўз эътиборларини хўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет вазифаларини ҳал қилишга қаратишлари ва шу тариқа ўз ташкилотчилик ишлари билан корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига актив таъсир кўрсатишлари лозим.

2. Хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал қилишда маҳаллий Советларнинг ролини ошириш мақсадида маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари зиммасига Советлар ишининг асосий формаси бўлган сессияларнинг аҳамиятини ошириш, маҳаллий ҳаётнинг энг муҳим масалаларини сессиялар муҳокамасига қўйиш, қабул қилинадиган қарорларни бажаришни ташкил қилишга алоҳида эътибор бериш, сессияда кўриладиган масалаларни тайёрлашга ва белгиланадиган тадбирларни амалга оширишни контроль қилишга кенг активни жалб этиш вазифаси юклансин. Андижон саноат область, Фарғона шаҳар, Чилонзор район (Тошкент шаҳри) ва бошқа Советларнинг сессиялар ўтказиш практикаси ҳар тарафлама мақтовга сазовордир, бу Советларнинг ижроия комитетлари Советларнинг турли масалаларга оид қарор проектларини олдиндан меҳнаткашлар муҳокамасига қўйиб келмоқдалар.

КПСС Программаси қоидаларини амалга ошириш асосида доимий комиссияларнинг ролини ошириш, бу комиссияларнинг Советлар ва уларнинг ижрокомлари қарорларини бажариш, аҳолининг ташаббускор ташкилотларига раҳбарлик қилиш соҳасида олиб борайтган ташкилотчилик ишларини кучайтириш лозим.

Советлар доимий комиссияларнинг, шу жумладан саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича комиссияларнинг ишини такомиллаштириб бориб, Олий Совет қонунларининг бажарилиши устидан, ишловчиларнинг меҳнат ва турмуш шароити яхшиланиши устидан контролни кучайтиришлари, илғор тажрибани ўрганишлари ва кенг ёйишлари, меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилишлари лозим;

Советлар депутатларнинг ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришларида, сайловчилар олдида ҳисобот бериб туришларида уларга амалий ёрдам кўрсатишлари, депутатларнинг ўқишини яхшилашлари, Тошкент шаҳрида, Фарғона ва Самарқанд областларида депутатлар группаларини тузиш тажрибасини кенг ёйишлари лозим.

Маҳаллий Советлар, уларнинг ижрокомлари, доимий комиссиялар ва барча депутатлар Советларнинг фаолияти кўп жиҳатдан сайловчиларнинг наказ ва таклифлари билан белгиланишини ҳисобга олиб, бу наказ ва таклифларни амалга ошириш учун доимо ҳаракат қилишлари, улар қандай бажарилаётганлигидан меҳнаткашларнинг кенг табақаларини йиғилишларда, матбуот ва радио орқали хабардор қилиб туришлари лозим.

Улар Советлар ишида жамоатчилик асосларини актив ривожлантиришлари, Советлар олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ташаббускор ташкилотларнинг ролини оширишлари лозим, совет активига йўл-йўриқ кўрсатиб туриш ва уларнинг иш малакасини оширишга жиддий эътибор беришлари зарур.

Тошкент шаҳар Октябрь район, Наманган ва Хева шаҳарлари меҳнаткашларининг аҳолини бир қанча маданий-маиший объектлар қурилишига, ободончилик ишларига кенг жалб қилиш соҳасидаги, шунингдек медицина пунктлари, кутубхоналар ва бошқа маданий-оқартув муассасаларни жамоатчилик асосларида ташкил қилиш соҳасидаги ташаббусини маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон ССР Олий Совети бу тажрибани ҳамма жойда ёйиш зарур, деб ҳисоблайди.

3. Советларнинг кенг омма билан алоқасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ва омманинг Советлар фаолияти устидан қаттиқ контроль қилиб туриши зарур эканлиги тўғрисидаги Ленин кўрсатмаларига асосланиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ва барча ходимлари зиммасига ишда унинг натижаларини маълум қилиб бориши кун сайин ривожлантириш, энг муҳим масалаларда меҳнаткашлар билан маслаҳатлашиб туриш, ижрокомлар, уларнинг бўлимлари ва бошқармаларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб туришларини ташкил қилиш, сайловчиларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифларига тезда жавоб бериш вазифасини юклайди. Ижроком раҳбарларининг меҳнаткашларни бевосита корхоналарда, колхоз ва совхозларда қабул қилишини ташкил этиш практикаси ҳамма жойда ёйилсин.

4. Маҳаллий Советлар меҳнаткашларининг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш соҳасидаги ишларни янада яхшилаш зарурлигига аҳолида эътибор беришлари керак, чунки бу — корхоналар, муассасалар, колхоз ва совхозлар ишидаги кўпгина камчиликларни бартараф қилишга ёрдам бериши шубҳасиздир. Бу муҳим ишдаги бюрократизм ва сансалорликка қатъиян хотима берилсин, совет аппарати кадрлари, барча депутатлар меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик, эътибор билан қараш руҳида тарбиялансин.

Советларнинг ва уларнинг ижрокомларининг энг муҳим вазифаларидан бири оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида гамхўрликни кучайтиришдан иборатдир.

5. Маҳаллий Советларнинг ижрокомлари гражданларни моддий жиҳатдан таъминлаш, уларга маиший ва социал-маданий хизмат кўрсатиш масалалари одатда, гражданлар билан биргаликда ҳал этилишини назарда тутиб, касаба союзлар, комсомол, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқани ҳар тарафлама мустаҳкамлашлари лозим.

6. Социалистик қонунчиликка қатъий риоя қилишга ва гражданларнинг ҳуқуқларини қўриқлашга катта аҳамият бериб, ижроия комитетлар зиммасига давлатга зарар етказадиган ёки совет кишиларининг ҳуқуқларини камситадиган ғайри-қонуний қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслик вазифаси юклатилсин. Депутатлар составидан чиқиб қолган депутатлар ўрнига ўз вақтида сайлов ўтказилсин, депутат бўлмаган ходимларни сайлаб қўйиладиган лавозимларга тайинлашга йўл қўйилмасин, конституцион талабларга риоя қилинишни устидан контроль кучайтирилсин.

7. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот, Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетлари, республика ва область газеталари редакциялари зиммасига маҳаллий Советларнинг ўзини практикада оқлаган иш тажрибасини, меҳнаткашларни давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этишнинг янги формаларини мунтазам суратда пропаганда қилиб бориш вазифаси юклатилсин.

8. Ҳар бир участкадаги ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, республика Министрлар Совети, министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари кадрлар билан ишлашни мунтазам суратда яхшилаб боришлари, уларни давлат интизомига қатъий риоя қилиш, топ-ширилган иш учун юксак масъулият сезиш руҳида тарбиялашлари лозим.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика министрликлари ва идоралари, партия талаб қилганидек, совет аппарати оддий, малакали, кам чиқим ва оператив бўлиши учун, бюрократизм, расмиятчилик ва сансалорликнинг ҳар қандай кўринишларидан холи бўлиши учун давлат аппарати барча звеноларининг ишини муттасил яхшилаб ва такомиллаштириб боришлари лозим. Меҳнаткашлар оммасини аппарат иши устидан доимий контроль қилиб туришга кенг жалб этиш зарур.

9. Ўзбекистон ССР Олий Совети қатъий ишонч билдирадики, маҳаллий Советлар республика партия ташкилоти раҳбарлигида ташкилий-оммавий ишларнинг савиясини янада баланд даражага кўтарадилар, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар ва саноат, қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачиликни, маданиятни ривожлантириш юзасидан 1964 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдилар, шу тариқа шонли юбилейни — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 40 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб оладилар. Бу эса Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ишига қўшган янги ҳиссаси бўлади.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.**

Тошкент шаҳри. 1964 йил 27 июнь.

## ҒАЛЛА ФРОНТИДА

**ШЕРОБОД.** «Бойсун» совхозининг 4-бўлими ғаллакорлари 1730 гектар майдонда етиштирилган мўл ғалла ҳосилини сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун уюшқоқлик билан ишламоқдалар. Қобул Ражабов, Эргаш Қўшниёзов каби илғор комбайнчилар «СК-3» марнали комбайнда мавсумда 400-450 гектар майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб олиш учун курашмоқдалар.

Н. ОЛЛАМУРОДОВ.

●

**КИРОВ.** (Фарғона области). Киров номли совхознинг Нуриддин Аҳмедов бошлиқ ғаллачилик бригадаси аъзолари ўрим-йиғимни тугалламоқдалар. Гектаридан 47 центнердан буғдой, 50 центнердан арпа олинмоқда. Ҳосили йиғиштириб олинган майдонларга пешма-пеш маккажўхори экилаётир.

Б. АБДУВАЛИЕВ.

●

**ЧИРОҚЧИ.** «Кўқдала» совхози ғаллакорлари бу йил 20 минг гектардан ортиқ майдонда дон экинлари етиштирдилар. Ғалла ўрим-йиғимига 67 та комбайн, 35 дан ортиқ автомашина сафарбар этилган. Бободўст Шукуров, Норқул Сафаров, Уроқ Хушмуродов, Яхшимурод Қўйбоқаров, Михаил Белов каби комбайнчиларнинг ҳар бири кунига 13-15 гектар майдондаги ғаллани ўраётир.

Ражаб Хўжанов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси 1050 гектар майдондаги ҳосилни қисқа вақт ичида йиғиштириб олди. Бу бригада гектаридан 13 центнердан хирмон кўтарди. Шунингдек, совхознинг 2-, 3-бўлимларида ҳам ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда.

Бошқармадаги «Коммуна» колхози далаларида ҳам иш қизғин бормоқда. 5100 гектар майдондаги кузги ва баҳори экининг ҳар гектаридан 10-12 центнердан дон олишга аҳд қилган колхоз ғалла корлари ўрим-йиғимни тез суръат билан давом эттирмоқдалар.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ,
А. БЕКМУРОДОВ.

●

**ҚОРАКУЛ.** Бошқармадаги колхозлар ғалла тайёрлаш йиллик планларини бирин-кетин ошириб бажармоқдалар. Ҳозиргача 16 колхоздан 6 таси йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт берди.

А. ЯЎЛДОШЕВ.

●

**БУХОРО.** Шаҳардаги 10-механизация билим юрти ҳузурида ташкил этилган комбайнчилар ва механик-ҳайдовчилар тайёрлаш олти ойлик курсини 30 киши битириб чиқди. Нуров, Юзмуродов, Мирзаев, Асоев, Халилов каби ёшлар комбайнларни бошқаришни пухта ўрганиб олдилар.

С. КАРИМОВ.

Янгийўл бошқармасидаги Свердлов номли колхознинг Саттор Эргашев бошлиқ комплекс механизациялашган звеноси аъзолари 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашиб, ғўзани ардоқлаб ўстирмоқдалар. Суратда: Саттор Эргашев ғўза қатор ораларини культивация қиляпти.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Цейлон парламенти сенатининг раиси жаноб Томас Амарасурия ва унинг рафиқаси Ўзбекистонда бир неча кун туриб, республика турмуши билан танишди.

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган бу меҳмонлар В. И. Ленин номидаги пионерлар саройида, Санъат музейида бўлишди. Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг «Ленинизм» колхозига боришди. Улар Самарқандда қадимий ёдгорликлар билан танишдилар.

Жаноб Амарасурияни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми жаноб Амарасурия ва унинг рафиқаси шарафига зиёфат берди. 28 июнда цейлонлик меҳмонлар Тошкентдан ўз ватанига жўнаб кетди.

## ЯНГИ ВОДИЙ ЖАРЧИСИ

Навқирон водий — Қашқа воҳаси меҳнаткашлари неча областда янгидан чиқа бошлаган «ҚАШҚАДАРЁ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг биринчи сонини олдилар.

«Қашқадарё бўлар Ватан гулбоғи, қалби тўла хазиналар булоғи» — газетанинг биринчи саҳифасида берилган ана шу сарлавҳа ундаги барча материалларнинг мазмуни ва мундарижасини ифодалаб турибди. Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Асомов «Қашқадарёнинг истиқболи порлоқ» сарлавҳали мақоласида мамлакатимиз «оқ олтин» шодасидаги ажойиб дурдона — Қарши чўлининг келажаги ҳақида ҳикоя қилади. Республикамизнинг жанубида жойлашган бу дашт мингчча толали пахта етиштириш учун жуда қулай шароитга эга бўлиб, яқин йиллар ичида иттифоқимизнинг энг йирик пахта конига айлантирилади. Бу ерда қоракўлчиликни, боғдорчиликни, пиллачиликни, ғаллачиликни ривожлантириш учун ҳам жуда катта имкониятлар мавжуд. Чўлга ҳужум ҳозироқ кенг тус олди.

Бу саҳифада область партия комитетининг пленуми тўғрисида информацион билдириш, газетхонларга Мактуб, газетанинг биринчи сони чиқа бошлаганлиги муносабати билан кўплаб партия, совет, жамоат ва ижодий ташкилотлардан ҳамда қўшни область газеталари редакцияларидан олинган табрик телеграммалари, қутлов мактублари ва Қашқадарё области-нинг картаси берилган.

Иккинчи ва учинчи саҳифаларда чўлда янги ташкил этилган «Аврора» совхози чўлқуварлари ҳақида «Тонг юлдузи» сарлавҳали репортаж, Қарши бошқармасидаги «Партия XXII съезди» совхозининг бригадири Р. Худойбердиевнинг «Арзон пахта етиштирамиз» сарлавҳали мақоласи, суратлар босилган. Тўртинчи саҳифада чўл қаҳрамонлари ҳақида ёзилган «Меҳригиё» ҳикояси ва «Лагерда», «Қишлоқ оқшоми» сарлавҳали лавҳаларни ўқийсиз. Газетанинг ҳамма саҳифалари дид билан безатилган.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
2 ИЮЛЬ 1964 ЙИЛ
№ 152 (12 806).

# ЯХШИ ДАМ ОЛИНГ

**ВРАЧ МАСЛАҲАТИ**

□ □

Ана, ёз ҳам келди, мен эса отпускамни қаерда ва қандай ўтказишни ҳали ҳам билмайман...

Бу сўзларни айрим ишчи ва хизматчилардан, студентлардан тез-тез эшитиб турасиз. Бу — дам олиш жойларнинг йўқлигидан эмас, балки кўп кишиларнинг қаерда ва қандай дам олишни аниқ билмаганликларидандир.

Бу йил жуда кўп дам олиш уйлари ва санаторийлар миллионлаб совет кишиларини ўз қучоғига чорламоқда. Шунингдек, туристик саёҳатларга чиқиш, тарихий жойларни томоша қилиш ҳам мумкин. Шаҳар аҳолисининг кўпчилиги эса ёзда шаҳар атрофларидаги оромгоҳ жойларда дам олишади. Дам олиш жойлари ва оромгоҳлар кўплигидан отпускага чиққан киши улардан қайси бирини танлашни билмай шошиб қолиши ҳам табиийдир.

Келинг, отпуска физиологик жиҳатдан нима, уни қандай ўтказиш керак, шу масалаларни биргалашиб аниқлаб олайлик. Павлов физиологияси бўйича меҳнатдан кейин дам олиш ва меҳнат — бу киши организми фаолиятининг бир-бирига узвий боғланган икки томонидир. Бу икки нарсани бир-бири билан уйғунлаштириб ўтказиш керак. Дам оладиган киши отпускага чиққанда бутунлай бекор ўтирмайди, аксинча иш вақтида йўқотган куч ва ғайратини қайта тиклаш, таниби чиниқтиришга ҳаракат қилади.

Юракнинг фаолияти — киши қандай меҳнат қилиб, қандай дам олиши керакликигини, бу икки жараённи бир-бирига уйғун олиб боришнинг тимсоли бўла олади. Кишининг бутун ҳаёти давомида юрак мускуллари аниқ бир меъёрда ишлаб, дам олиб, яна ишлаб яна дам олиб туради. Юрак мускулларининг бир қисми ишлаб турганда иккинчи бир қисми дам олиб, шу қисқа вақтнинг ўзида илгари сарфлаган кучини озуқаларни синтез қилиш орқали тиклаб олади. Демак мускуллар шу дам олиш пайтида (диастол) ҳам маълум бир фаолиятда бўлади, ишлаб туради. Бу жараён «актив дам олиш» дейилади.

Юракнинг бу хилда ишлаши ва дам олиши киши организмининг бошқа қисмларига ҳам таллуқлидир. Бундан, кишининг меҳнат фаолияти маълум бир дам олиш муддати билан алмашиниб турши керак деган, хулоса чиқариш мумкин. Бу кишининг куч-ғайратини янада тиклашга ёрдам беради.

Меҳнаткашлар ўз отпускаларини ҳам ана шундай ўтказишлари керак. Отпуска вақтида ва ишдан қайтгандан сўнг диванда мақсадсиз чўзилиб ётиб дам оламан деган киши жуда янглишади. Бу яхши дам олиш эмас. Эрталабки гимнастикадан кейин ҳар куни яёв юриб томоша қилиш, енгил спорт машғулотлари билан шуғулланиш, иложи бўлса чўмилиш, қайиқда сузиш ва бошқалар — энг яхши дам олишдир. Ҳаво иссиқ, қуёшли кунларда соат 8 дан 11 гача, ҳаво унча иссиқ бўлмаган кунларда эса соат 11 дан 13 гача очиқ ҳавода юриш, врачнинг маслаҳатига биноан қуёш ваннаси олиш фойдалидир. Шундан сўнг сувининг иссиқлик даражаси 20-24 градус бўлган душга тушиш ёки ариқларда, кўлларда, денгизда оз вақт чўмилиш керак.

Яхши дам олиш учун уйлан узоқроқда бўлиш, ҳар куни шуғулланадиган машғулотлардан четда юриш зарур. Бу майда-чуйда ишлар кўп вақт кишининг нерв системасига салбий таъсир қилади. асабини қўзғатади, бош миянга таъсир қилади. Шу сабабли «ҳавони ўзгартириб туриш», вақтинча бўлса ҳам яшаб турган жойдан бошқа ёққа кетиш, ҳар куни шуғулланадиган машғулотлардан вақтинча озод бўлиш — буларнинг ҳаммаси кишининг нерв системасига ижобий таъсир қилади. Киши янги шароитга кўникиш пайтида дам олади.

Курорт, санаторий ва дам олиш уйларида бўлган кишининг таассуротлари ҳам бойийди, янгиланади. Бу ерда у ҳамма учун бир хил бўлган режимга биноан дам олади, куч ва қувватини, меҳнат фаолиятини тиклаш учун унга ҳамма имкониятлар бўлади.

Курорт ва санаторий — бу дам олишнинг фақат бир йўлидир. Бу ерларда дам олаётган киши ўзига яратиб берилган қулайликлардан тўла фойдаланса кифоя. Лекин у «дам олиш»ни тўғри тушунишги, физкультура машғулотларига мунтазам қатнашиши, очиқ ҳавода ўтказиладиган ўйинларда иштирок этиши, саёҳатларга чиқиши керак. Агар у соатлаб шахмат-шашка ўйнаса, бунинг устига спиртли ичимликлар ичса унинг бу ерда дам олишидан бир чақалик ҳам фойда йўқ.

Хўш, киши фақат курортларда ва махсус дам олиш жойларида ҳордиқ чиқариши керакми? Йўқ, адбатта. Курорт (бу сўз рус тилида «даволаниш жойи» деган маънони англатади) у ёки бу касалликка йўлиққан кишиларга мўлжалланган бўлиб, у ерда кун тартиби даволанувчи учун энг яхши шароит вужудга келтиришга қаратилган бўлади.

Соғ кишилар эса бундай ерларда дам олишга муҳтож эмасдирлар, улар шаҳар атрофларидаги жойларда жуда яхши дам олишлари, ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Ўрмон ва боғлар, дарё қирғоқлари — меҳнаткашларнинг дам олишлари учун энг яхши жойлар. Бу жойларнинг ҳавоси ҳам курорт жойларникидан асло қолишмайди. Тонгда туриб соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш, физкультура билан шуғулланиш, чўмилиш — бунинг давосига ким етади дейсиз! Шундай дам олган киши кун бўйи тетик юради, иштаҳаси очилади, билакларида кучқувват сезади!

Туристик саёҳатлар, боғларга чиқиш, қайиқларда сузиш, велосипедда юриш, яёв кезиш — дам олишнинг энг яхши йўлларидан бириди. Киши ўзининг ёшига, соғлиғига, хоҳишига қараб ана шулардан бирортасини танлайди, отпускасини кўнгилли ўтказади.

Яна бир муҳим нарсани эслатиб ўтиш керак. Кўп кишилар жанубдаги — Сочи, Қрим курортлари, Кавказдаги санаторийларга боришга ҳаракат қиладилар... Лекин бир-биридан анча узоқда жойлашган ва иқлим шароити ҳам бир-биридан кескин фарқ қиладиган географик зоналарга бориш учун киши ўз организмини шу шароитга кўниктириши ҳам керак. Киши ўзининг янги жойда кўникиши, унинг ҳавоси, ҳаво босими, ультрабинафша радиацияси, намлик, ҳавонинг электр хусусиятлари — буларнинг ҳаммасига кўникиши учун анча куч сарфлайди. Шу сабабли ҳам узоқ шимолдан жанубнинг иссиқ жойларига келиб қолган киши бу ерда кучини тиклаш ўрнига ланж бўлиб, соғлигини йўқотиб қўйиши мумкин.

Сўзимизнинг охирида дам олиш тўғрисида яна бир муҳим масалага тўхталмоқчимиз. Нега кишилар фақат ёз ойларидагина дам олишга интиладилар? Йилнинг бошқа фаслларида яхши дам олиш учун шароит озмикин? Сўзсиз, йўқ. Қишнинг табиати айрим пайтларда ёзнинг табиатидан ҳам гўзалроқ бўлади. Кишини тетиклантирувчи муздек ҳаво, хаёлга чўмгандек сокин турган ўрмонлар, бошига қордан «телпак» кийиб олган дарахтлар қуёш нурларида жилваланиб кишини мафтун этади. Қалин қор устидан узоқ-узоқларга чўзилиб кетган чанғи излари киши хаёлларини тортади. Тоғларда саёҳат қилиш, очиқ ҳавода бўлиш, фойдали меҳнат — дарахт кесиш, йўлларни қордан тозалаш, шундан сўнг иссиқ уйга келиб исиниш, овқатланиш, ўқиш, кечқурун эса концерт, кино кўриш... Жуда соз!

Қишда очиқ ҳавода юрган киши ўзини тетик, бардам сезади. У енгил нафас олиб, танида модда алмашиши тезлашади. Умуман киши қиш пайтида ёз ойларига нисбатан меҳнат пайтида сарфлаган куч-ғайратини тез тиклай олади.

Мириқиб дам олишнинг ранг-баранг йўллари ана шулардан иборат. Санаторийларга бориш ёки фақат отпуска пайтида дам олиш мумкин, деган фикр нотўғридир. Маҳаллий шароитлардан тўғри фойдаланиб, йилнинг ҳамма фаслларида ва ҳамма жойда ҳам яхши дам олса бўлади. Бизнинг мамлакатимизда эса бундай шароитлар беҳисобдир.

**А. ОБРОСОВ,**
**профессор, СССР медицина фанлари Академиясининг корреспондент аъзоси.**

## КЕЧА РЕСПУБЛИКАМИЗДА

### ОБЛАСТДА БИРИНЧИ МАРТА

**ЎзТАГ мухбирининг хабар беришича, Фарғона областида биринчи бўлиб Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармаси «Ленинград» колхозининг Файзиобод қишлоғида жамоатчилик асосида қишлоқ китоб магазини очилган. Китоб магазинида колхозчилар ишдан бўш пайтларида турли хил китоблар билан савдо қила бошладилар.**

### ҚИШЛОҚДА ТЕЛЕВИЗОР УСТАХОНАСИ

**«Совет Ўзбекистони»нинг Самарқанд область мухбири Л. ЭРГАШЕВ Зирабулондан қуйидаги хабарни берди: Мирбозор қишлоғи Оқтош билан Хатирчи посёлкалари ўртасида жойлашган, Қишлоқда Норпой бошқармасининг кўп ўринли касалхонаси, почта бўлими, турли магазинлар ишлаб турибди. Бу ерда аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган янги комбинат ҳам очилди. Комбинатда соатсозлик, кийим-бош тикадиган цехлардан ташқари телевизор ремонт қиладиган устахона ҳам ишлай бошлади.**

### ГАЗЕТА СОТАДИГАН АВТОМАТ

**Андижон шаҳрида, — деб ёзади штатсиз мухбир Н. ИНОҚОВ, — газета сотадиган автоматлар ишга туширилди. Автоматга 2 тийин ташланса, хоҳлаган газетани олиш мумкин. Янги автомат газетхонларга қўл келди.**

### САВОЛ-ЖАВОБ КЕЧАСИ

**Ўртоқ У. НАЗАРОВнинг Қўқон шаҳридан хабар беришича, бу ерда халқаро аҳвол тўғрисида савол-жавоб кечаси ўтказилган. Кечага 400 киши иштирок этди.**

# ЧЕТ ЭЛ АХБОРОТИ

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БАНДУНГДА

*БАНДУНГ, 30 июнь. ТАСС мухбирлари В. Матяш ва Н. Поздняков хабар берадилар:*

*А. И. Микоян бошчилигидаги СССР Олий Совети депутатлари группаси бугун эрталаб Бали оролидан Ғарбий Яванинг пойтахти Бандунгга жўнаб кетди.*

*Совет меҳмонлари тушган махсус самолёт маҳаллий вақт билан соат 12-ю 30 минутда Бандунг аэродромига келиб қўнди. Совет меҳмонлари мамлакат бўйлаб қилаётган саёҳатда уларга ҳамроҳ бўлиб юрган Бош министрнинг биринчи ўринбосари ва ташқи ишлар министри Субандрио ҳамда Индонезиянинг бошқа давлат арбоблари ҳам шу самолётда Бандунгга келишди. СССР Олий Совети депутатлари группасини муваққат халқ консультатив конгресси раисининг ўринбосари Али Састроамижойя, Ғарбий Ява губернатори Машудий, қуролли қучлар олий қўмондонлигининг, жамоатчилик ва ёшлар оммавий ташкилотларининг вакиллари, «Индонезия—СССР» дўстлиги жамиятининг активлари кутиб олишди.*

*Шаҳар аҳолиси Совет меҳмонларини самимият билан кутиб олди.*

*Бундан тўққиз йил муқаддам Осиё ва Африка мамлакатларининг машҳур конференцияси бўлиб ўтган Бандунгдаги бинода бугун куннинг иккинчи ярмида Индонезия Мувақкат Халқ консультатив конгрессининг СССР Олий Совети делегацияси визитига бағишланган махсус сессияси очилди.*

*А. И. Микоян ёрқин нутқ сўзлади. Унинг нутқини Индонезия парламентининг аъзолари эҳтиросли ёриб тинглидилар ва бу нутқ бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди.*

## АСРИМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТНОМАСИ

*БОННН, 30 июнь. (ТАСС). Америкалик таниқли олим, Нобель мукофотининг лауреати Л. Полинг кеча Бонн университетида сўзлаган нутқида ядро қуроли синовларини қисман тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномасига «бизнинг асримизда ҳозирги миллатлар қўйган энг катта қадам», деб таъриф берди.*

*Л. Полинг шартнома тузилгандан кейин энди шу йўлда янги қадамлар қўйилади, деган умид билдирди.*

*Полингнинг фикрича атом уруши, «цивилизацияни вайрон қилиб юборган ва, қолаверса, бутун одамзоднинг ўрнини қириб ташлаган бўлур эди», У бундай урушлар узил-кесил тақиқлаб қўйилишини ёқлаб гапирди.*

# ГРЕК ХАЛҚИНИНГ ТАЛАБИ

ПАРИЖ, 30 июнь. (ТАСС). «Грек халқининг асосий талаби — чинакам ва ҳар тарафлама демократлашишдир», — деди Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Костас Колияннис «Юманите» газетасининг мухбири билан суҳбатда.

Грециядаги ҳозирги сиёсий аҳволга баҳо бериб, К. Колияннис таъкидлаб айтдики, молия олигархияси билан чет эл манфаатларининг гумаштаси — ЭРЭ партияси ҳукуматини мағлубиятга олиб келган қудратли халқ ҳаракати ҳамон кучайиб ва ривожланиб бормоқда. Айни маҳалда яқинда ўтказилган сайлов натижасида ҳокимият тепасига келган Папандреу ҳукумати бу ҳаракат қаршисида тобора беизчил ва салбий позиция тутмоқда, унинг бу позицияси сайлов кампанияси вақтида ўзи айтган гапларга зид келмоқда. Эндиликда бош министр мамлакатда сиёсий демократия тўла тикланди, деб муттасил даъво қилмоқда. Лекин ҳақиқатда аҳвол тамомила ўзгачадир.

Папандреу ҳукумати, деди К. Колияннис, баъзи чораларни кўрди. Жумладан, сиёсий маҳбуслар озодликка чиқарилиши эълон қилинди. Бироқ, ҳамма озодликка чиқарилди, деб бўлмайди. Гражданлар уруши вақтидан ва шундан кейинги ғалаёнлар давридан мерос бўлиб қолган фавқулодда чоралар ҳанузгача бекор қилингани йўқ. Сайловдан кейин 4 ой ўтди-ю, лекин Коммунистик партияни тақиқлаб қўйган фашистлар қонунини бекор қилиш тўғрисида ҳукумат тайёрлаган қонун лойиҳаси ҳали ҳам парламентга тақдим этилгани йўқ.

Ҳукумат ваъда қилган «социал демократия»га келганда шуни айтиш керакки, деб сўзини давом эттирди К. Колияннис, ҳукуматнинг сўзи билан иши ўртасида еру осмонча фарқ борлигини мамлакатда кучайиб бораётган забастовка ҳаракати кўрсатиб турибди. Греция Коммунистик партияси, деб уқтирди у, «ҳар қандай фавқулодда чораларни ва конституцияга хилоф қонунларни бекор қилиш, Коммунистик партияни легал ҳолатга қайтариш, сиёсий муҳожирларни қувғиндан қайтариб келиш, ялпи сиёсий авф эълон қилиш — мамлакат ҳаётини чинакам демократлаштиришнинг зарур шартидир», деб ўз фикрини баён қилди.

Пировардида К. Колиянис «Кипр проблемасини Кипрнинг мустақиллиги ва бутунлигини, Кипр халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини гарантиялаб берадиган қилиб ҳал этишга эришмоқ учун халқ ва ватанпарварлар оммасини сафарбар этиш кечиктириб бўлмайдиган заруратдир», деди.

## ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

● *Шимолий Родезия ҳукумати Родезия ва Нъясаленд федерацияси мавжуд бўлган йилларда ирқчи маъмурлар томонидан тўрмаларга ташланган яна 174 сиёсий маҳбусни озод қилди. Кейинги вақтда сиёсий маҳбуслардан жами 650 киши озод қилинди.*

● *«Кипрдаги қон тўкишларга чек қўйилсин», «Кипрга нисбатан адолат бўлсин», деган шиорлар остида Лондон кўчаларида намойиш бўлиб ўтди. Намойишда инглизлар, Англияда яшовчи кипрлик грекларнинг ва турклар қатнашди. Намойишчилар бош министр Дуглас-Хьюм ва Кипр олий комиссияси резиденцияларига, шунингдек Греция ва Туркия элчихоналарига норозилик баёнотларини топширдилар.*

● *Буэнос-Айрес университети студентларининг митингига бир группа фашист безорилар ҳужум қилиб, митинг қатнашчилари устига қўздан ёш оқизувчи газ солинган бомбалар ташладилар ва ўқ отадиган қуролларни ишга солдилар. Бу митингни Аргентина студентлари университет федерацияси ташкил қилган эди. Фашист безорилар университетнинг ўқув аудиторияларига катта зарар етказдилар.*

● *Ғарбий Покистон вилоятининг ҳукумати аҳолини қанд-шакар билан таъминлашни 1 июлдан бошлаб чеклаб қўйишга қарор қилди. Ғарбий Покистонда қанд-шакар ишлаб чиқаришнинг камайганлиги ҳукуматнинг шундай қарор қабул қилишига сабаб бўлди.*

● *Ғарбий Германия ҳарбий министри фон Хассель Брюсселга жўнаб кетди. Бу ерда у Бельгия миллий мудофаа министри Сегерс билан музокаралар олиб боради. Боннда эълон қилинишича, ана шу музокаралар давомида Бельгия қўшинларини Германия Федератив Республикаси территориясида жойлаштириш масалалари, шунингдек қуроллар ва ҳарбий техника масалалари муҳокама қилинади.*

● *Греция бош министри Г. Папандреу Парижга келди. Греция бош министри АҚШдан қайтиб келмоқда. У, АҚШда Кипрдаги аҳвол тўғрисида музокаралар олиб борган эди. Г. Папандреу Парижда президент де Голль билан учрашмоқчи.*

● *Эрондаги Ободон шаҳрида ҳаво жуда жуда исиб кетди. Ҳарорат 51 даражага етди. Шаҳар ҳаёти тўхтаб қолди. Магазинлар, ҳунармандчилик устахоналари, такси шоферлари куннинг кўпроқ қисмида ишламайдилар. Қуёшнинг жазирама иссиғидан шаҳардаги кўп кўчаларда асфальт эриб кетди.*

*(ТАСС).*

## КОНГО ВАШИНГТОННИНГ БОШИНИ ГАРАНГ ҚИЛИБ ТУРИБДИ

**ВАШИНГТОН, 30 июнь. ТАСС мухбири В. Петрусенко хабар беради:**

**БМТ қўшинларининг Конгода бўлиши узоққа чўзилиб кетди. Уларнинг бу мамлакатда туриш муддати бугун тугайди. Зангори каска кийган сўнгги аскарлар Леопольдвилдан чиқиб кетган сайин, Конго Пентагон билан Марказий разведка бошқармасини тобора кўпроқ ғаранг қилиб қўймоқда.**

**«Конго Қўшма Штатларга яна бир полициячилик иши орттирмоқда» — «Юнайтед стейтс ньюс энд Уорлд рипорт» журнали Вашингтоннинг Африкадаги ана шу жафокаш мамлакатга нисбатан тузаётган планлари тўғрисида ўзининг сўнгги сонида эълон қилган катта мақоласига ана шундай ифодали сарлавҳа қўйди. Ҳозир Конгода ҳарбий кийимдаги американликлар бор, дейди журнал. Уларнинг вазифаси — мамлакатда қандай тартиб ўрнатиш кераклигини Конго армиясига кўрсатиб қўйишдир.**

**Леопольдвиль кўчаларида сандироқлаб юрган америка солдатлари, дейилади мақолада, тобора кўпайиб бормоқда. Уларнинг ҳаммаси Конгодаги Америка ҳарбий миссиясининг хизматчилари ҳисобланади. Бу ҳарбий миссия эса, деб таъкидланади журналда, «хозир Жанубий Вьетнамдаги урушда асосий ролни ўйнаётган Сайгондаги америка ҳарбий миссиясининг кичрайтирилган нусхасидир». АҚШ, дейилади мақолада, Бельгия билан бирга Африка марказида ўз эммасига «хатарли масъулият» олиб, деган таассурот туғилмоқда. Кенгайиб бораётган қаршилик кўрсатиш ҳаракати билан курашмоқ учун сўнгги ойларда Қўшма Штатлар Адула ҳукуматига турли-туман ҳарбий анжомлар етказиб берди. Бу анжомлар орасида 10 та юк ташийдиган самолёт, 10 та вертолёт, 6 та ҳарбий самолёт, 222 та юк машинаси, 63 та жип машина бор. Матбуот хабарларига кўра, АҚШ зарбдор кучлари қўмондони, генерал Поль Адамснинг яқинда Леопольдвилга қилган сафари, унинг Мобуту билан олиб борган музокаралари, жумладан Конго армиясининг қурол-яроғларга бўлган қўшимча эҳтиёжларини ойдинлаштириб олишни мақсад қилиб қўйган эди.**

**Конгодаги халқ ҳўзғолончилари ҳаракатининг муваффақиятлари АҚШда африка сиёсатини ижод қилаётган кишиларни ғам-ғуссага солиб қўйди. Шу йил февраль ойидаёқ улар Леопольдвилдан «партизанларга қарши кураш экспертлари»нинг умидбахш докладини олган эдилар. Бу экспертлар Конго армияси каттагина ўт очиш қуввати билан таъминланган тақдирда, у, ҳар қандай халқ қўзғолонини осонгина бостира олади, деб ишонтирган эдилар. Бу фикр расмий жиҳатдан ҳали ҳам сақланиб турибди, деб ёзади «Вашингтон пост» газетасининг Леопольдвилдаги мухбири Рассел Хау. Бироқ, Конгога «ажнабийлар доимий легионини» жойлаштириш зарур, деган гаплар ҳозир тобора кўп эшитилмоқда.**

**Вашингтонда баъзи бировлар Конгога қайтиб келган Катанганинг собиқ «президенти» Чомбега ҳам умид боғлаётганга ўхшайди. Чомбе мамлакатда партизанлар ҳаракатини бостиришда Леопольдвиль ҳукуматига ёрдам беради, деган умид билан Вашингтондаги «Стар», «Нью-Йорк геральд трибюн» газеталари ва бошқа газеталар унинг қайтиб келишини ўз редакцион мақолаларида қизғин табриклади.**

**Америка империалистлари томонидан назорат қилиниб турилган Жанубий Кореяда сиёсий ва иқтисодий кризис тобора чуқурлашиб бораяпти. Мамлакатда инфляция ортиб бормоқда. Баҳолар ошмоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайиб кетмоқда, қишлоқ хўжалиги эса издан чиқмоқда. Ишсизлик ортиб бораяпти. Суратда: жанубий кореялик тасодифий иш чиқиб қолишини кутиб турибди.**

**ЦТАК—ТАСС фотоси.**

## КОНГО ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

*НЬЮ-ЙОРК, 30 июнь. (ТАСС). Конго (Леопольдвиль) бош министри С. Адула истеъфо берди. Президент Касавубу истеъфони қабул қилди ҳамда янги ҳукумат бир неча кундан сўнг тузилажагини айтди, деб Леопольдвилдан хабар беради Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири.*

## ЖАЗОИРГА ЁРДАМ

ЖАЗОИР, 30 июнь. (ТАСС). Кубалик медицина ходимларининг 75 кишидан иборат бир группаси Жазоирга келди. Улар Жазоир аҳолисига бир йил давомида медицина ёрдами бериб келган кубалик медицина ходимларининг 50 кишидан иборат биринчи группаси ўрнига келишди.

Жазоир матбуотининг хабар беришича, Бирлашган Араб Республикаси Жазоиргa 5 минг ўқитувчи, Ироқ эса 450 ўқитувчи юборади.

## СУВ ТОШҚИНИ ОҚИБАТЛАРИ

ДЕҲЛИ, 30 июнь. (ТАСС). Матбуотнинг хабарларига кўра, Брамапутра дарёси ва унинг ирмоқлари (Ассом штати) тошиб кетганлиги натижасида 400 минг киши бошпанасиз қолган.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**2 ИЮЛДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Ҳамид Олимжон** (поэзия-ёшларга), 18.45 — **Кўринмас фронт** (илмий-оммабоп фильм), 18.55 — **Телевизион янгиликлар**, 19.15 — **Реклама ва эълонлар** (ўқишга кирувчилар учун), 19.25 — **Бомба адреси маълум** (телевизион фильм), 19.55 — **Бир кўчали шаҳар** (бадиий фильм).

21.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.35 — **Телевизион янгиликлар**, 21.55 — **Июль—ҳал қилувчи ой** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.15 — **Халқаро аҳвол**, 22.35 — **Бошсиз ҳайвон** (Сайёр поэмаси асосида телекомпозиция).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Олмаота телестудияси эшиттиришлари.**

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/VII да **Фауст**, 3/VII да **Оқшом кўли**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА — **Огаҳий номли Хоразм театри гастроллари** — 2/VII да **Концерт** (икки бўлимда), 3/VII да **Сўнгги хон**.

## КИНО

**ҚИШКИ БИНОДА**

**Москва бўйлаб** — «ЕШ ГВАРДИЯ». «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 10-40 минутда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (1-залда эрталаб 11, кундуз 1 ва кеч 7 да).

**Палиастоми** — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 ва 11-45 минутда).

**Улим чангалида** — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Париж сирлари** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Банда ишловчи қиз** — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ДРУЖБА» (1 ва 2-залда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

**Жанубий соҳил аёли** — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

**Денгиз сўқмоғи** — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

**Душанба оғир кун** — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

**ЁЗГИ БИНОДА**

(кеч соат 9-10 минут ва 10 яримда)

**Тандир ногоралари** — «ОКТЯБРЬ».

**Банда ишловчи қиз** — НАВОИЙ номли, «ФЕСТИВАЛЬ».

**Биринчи севги қиссаси** — КАФАНОВ номли.

**Москва бўйлаб** — «ХЕВА».

**Бедаран кетган** — «САЛЮТ».

**Париж сирлари** — ТЕЛЬМАН номли, «ПАХТАКОР» (кеч соат 10 яримда).

**Сукунат** (1 ва 2-серия) — «УДАРНИК».

**Ёз бекор ўтди** — КИРОВ номли.

**Калоян** — ФРУНЗЕ номли.

**Қора ниқобда** — СТЕПАН РАЗИН номли.

# ЭЪЛОНЛАР * ТОМОШАЛАР * РЕКЛАМАЛАР


«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙОБУВЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА
ЁЗ МАВСУМИГА

**кўйлак ва костюмлар учун**

ҳар хил ранг ва гулда

ЖУН, ШОЙИ, ШТАПЕЛЬ ВА ИП ГАЗЛАМАЛАР,
ЭРКАК, ХОТИН-ҚИЗ ВА БОЛАЛАР УЧУН ТИКИЛГАН БУЮМЛАР,
ватанимизда ишлаб чиқарилган ва чет эллардан келтирилган

ПОЙАФЗАЛ

**СОТИБ ОЛИШ МУМКИН**

ГАЗЛАМА СОТУВЧИ МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

№ 18, 19, 21, 22 — Октябрь бозорида, № 26 — Собир Раҳимов кўчаси, 331-уйда, № 43 — Полиграф кўчаси, 8-уйда, № 47 — Новомосковская кўчаси, 18-уйда, № 54, 56, 60 — Олой бозорида, № 62 — Карл Маркс кўчаси, 29-уйда, № 65 — Киров кўчаси, 35-уйда, № 75, 76, 94 — Госпитальний бозорида, № 79 — Паркент бозорида, № 96 — Шота Руставели кўчаси, 57-уйда, № 102 — Ўзбекистон кўчаси, 10-уйда.

КИЙИМ-КЕЧАК СОТУВЧИ МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

№ 1 — Кийим уйи (Шота Руставели кўчаси, 13), № 21 — Октябрь бозорида, № 49, 104 — Олой бозорида, № 61 — Карл Маркс кўчаси, 24-уйда, № 64 — Киров кўчаси, 33-уйда, № 69 — Тарас Шевченко кўчаси, 13 а уйда, № 73 — Паркент бозорида, № 78 — Госпитальний бозорида, № 116 — Полиграф кўчаси, 119-уйда, № 121 — Черёмушки кўчаси, 29-уйда, № 124 — Кийим уйи (Муқимий кўчаси, Б-7 сектор).

ПОЙАФЗАЛ СОТУВЧИ МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

№ 7, 9, 12, 16 — Октябрь бозорида, № 55, 58 — Олой бозорида, № 63 — Киров кўчаси, 23-уйда, № 66 — Ленин кўчаси, 37-уйда, № 70 — Чехов кўчаси, 10-а уйда, № 74 — Кафанов кўчаси, 6-уйда, № 97 — Шота Руставели кўчаси, 39-уйда, № 120 — Волгоградская кўчаси, 10-а уйда.

Новомосковская кўчасида: пойафзал сотувчи 52-магазин ва кийим сотувчи 59-магазин, Муқимий кўчасида газлама сотувчи 135-магазин очилган.

Яқин кунларда: Қурилиш кўчасида (Б-7 секторда) пойафзал сотувчи 126-магазин очилади.

Корхона, ташкилот ва гражданлар диққатига!

«ТАШСКУПТОРГ»
КОМИССИОН МАГАЗИНЛАРИ
АҲОЛИ ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН
тикилган буюмлар, пойафзал, гиламлар, музика-радио товарлари, телевизорлар, чинни ва хрусталь идиш-товоқ, мебель, мотоцикллар, енгил автомашина ва бошқа товарларни

**Комиссияга қабул қилади ва сотади**

Қўлда тўқилган гиламлар сотиб олинади. Бундай гилам эгалари 1 га нисбатан 4 қисобидан фабрика гиламларини олишлари мумкин.

Катта ҳажмдаги буюмлар гражданлар уйига бориб баҳоланади.

Харид қилинган буюмларни сотувчи магазинларда аҳолига 10 процентдан 40 процентгача арзонлаштирилган товарлар сотилади.

Магазинлар шаҳар саноат товарлари бозорида (Чуқурсой), Госпиталь, Олой, Октябрь, Фрунзе, 1 Май совет-колхоз бозорларида, саноат товарлари ярмаркасида (Дзержинский кўчаси), Тарас Шевченко кўчаси, 62-уйда, Карл Маркс кўчаси, 25-уйда, Педагогическая кўчаси, 38-уйда жойлашган.

Тошкент шаҳар ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг

«РЕММЕБЕЛЬ» КОМБИНАТИ

(Проект кўчаси, 37-уй, телефон 4-35-26).

буюртмачилар уйида, кўчма устахоналарда ва қабул пунктларида

**МЕБЕЛЬ**

РЕМОНТ ҚИЛИШ УЧУН
аҳолидан ва ташкилотлардан
ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ,
шунингдек буюртмачилар эскизи ёки ёзасидан

ЯНГИ МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАЙДИ

Қабул пунктларининг адреси:
Ленин кўчаси, 27-уйда, телефон 3-10-29.
«Правда Востока» кўчаси, 19 уйда, Марказий хизмат кўрсатиш бюроси, телефон 2-53-11.
Чуқурсой бозорида, Охунбобоев майдонида, Чилонзор массивидаги Пионер кўчасида (бозор), Олмазор трассаси, 3- уйда (Шимолий промзона), Циолковский кўчаси, 168-уйда.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ГАСТРОНОМ» РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИ

билдирадики,
МАГАЗИНЛАР ҲУЗУРИДАГИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ

ҳар қанча миқдорда

**ШИША ВАНКАЛАР ВА БАЛЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

№ 1—Хоразм кўчаси, 25-уйда. № 2 — Киров кўчаси, 20-уйда. № 3—3-Сапёрний проезд, 4-уйда. № 5—Сельмаш кўчаси, 1-уйда. № 6—Ульянов ва Свердлов кўчалари бурчагида. № 7 — Олмазор кўчаси, 165-уйда, № 11—Навоий кўчаси, 51-уйда, № 13—Шота Руставели кўчаси, 53-уйда, № 19 — Пионер кўчаси, 6-уйда, № 22—Ҳўжанд кўчаси, 10-уйда, № 23—Измайлов ва Новомосковская кўчалари бурчагида.


Пограничная кўчаси, 2-уй, 16-квартирада турувчи **Эльга Артаваздовна Мелин-Карамяннинг** шу уйда турувчи Роберт Альбертович Хачатуровдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳалқлар Ўзбекистони» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. 02335. ИНДЕКС — 64543. № Б — 152.